

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ**

**5111000-КАСБ ТАЪЛИМИ:**

**(5151600-Халқ ижодиёти**

**(халқ ашула ва рақс ансамблига раҳбарлик)**

ДАК раиси

\_\_\_\_\_ профессор Б.Ходжаев

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 йил

## ***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ***

**МАВЗУ: *Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини  
ривожлантиришда мусиқа тарбиясининг ўрни***

***Бажарди: Алтибаев О.***

***Илмий раҳбар: п.ф.н., доцент А.Кошелева***

*Мазкур битирув малакавий иши кафедранинг 2017 йил \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_—сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.*

**Тошкент - 2017**

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>3-9</b>
<b>I-БОБ. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари</b>	
1.1. Ижодкор шахсларни шахсий сифатларини ривожлантиришнинг педагогик амалиётидаги аҳволи.....	9-17
1.2. Шарқ алломаларининг шахс тарбиясида илмий ижод ва мантикий фикрлаш юзасидан қарашлари.....	17-27
<b>II-БОБ. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришда мусиқа тарбиясининг эстетик аҳамияти</b>	
2.1. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини мусиқа воситасида шакллантириш технологиялари.....	27-47
2.2. Ижодкор шахсларни шахсий сифатларини ривожлантиришнинг самарадорлик даражаси.....	47-59
<b>Умумий хулосалар ва тавсиялар.....</b>	<b>59-62</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>62-67</b>
<b>Иловалар</b>	

## КИРИШ

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Халқимизнинг бой маънавий мероси, шарқона ва умуминсоний кадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни ҳаётга татбиқ этиш йўлларини кўрсатишда миллий давлатчилигимизнинг тарихий илдизлари ва бугунги давлат ва жамият қурилишининг демократик характери ва тамойиллари, давлат бошқаруви ва жамоатчилик ўртасидаги мустаҳкам алоқаларининг ҳуқуқий кафолатлари, унинг маънавий негизларини мустаҳкамлаш ва маънавий маърифий ишларини жонлантириш зарурдир.

Давлатимиз санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга доимий раҳномалик қилиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги ПФ-1692-сон Фармони, 1997 йил 8 январдаги “Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-1695-сон Фармони, 1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-1980-сон Фармони, 2001 йил 21 сентябрдаги “Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”ги ПФ-2942-сон Фармони, 2002 йил 16 апрелдаги “Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида”ги ПФ-3052-сон Фармони, 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сон Қарори, 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сон Қарори, 2009 йил 7 апрелдаги “Ягонасан, муқаддас Ватан!” Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-1091-сон Қарори, 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон давлат санъат ва маданият

институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-1771-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги 132-сон қарори, 2013 йил 25 июндаги “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сон қарори сўзимизнинг исботидир.

Мусиканинг назарий асослари, унинг тарбиявий қуввати хусусида Шарқнинг буюк шоир файласуфи Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, мусиқа назарийчиси Дарвеш али Чангийларнинг мусиқий мерослари мусиқий-эстетик тарбия муаммоларини ҳал этишда ноёб манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий назм, кўшиқ ва рақс давра ахлига бағоят завқ-шавқ бағишлашини таъкидлайди. (21, 23-б.). Биз унинг асарларида халқчиллик туйғулари тараннум этилганини биламиз. Шунинг учун унинг кўплаб ғазаллари орадан беш асрдан кўп вақт ўтишига қарамай халқимизнинг севимли кўшиқлари қаторида куйлаб келинмоқда. «Сарви гулру келмади» (Муножот куйига мосланган), «Кўча боғи», «Айлагач», «Кошки», «Гулузорим», «Хоразм сегоҳи», «Насриллойи», «Қаро кўзим» (Ушшоқ) сингари кўплаб ўлмас кўшиқлар Навоий ғазалларига басталанган куйлар ҳамрозлигида айтиб келинаётган мумтоз дурдоналарки, улар халқимизнинг маданий хазинасидан мустаҳкам ўрин олганлар. Алишер Навоий мусиқа илмидан ҳам яхши хабардор бўлганлиги, танбурни яхши чертганлиги, ўзи ҳам мақомлар сирасига кирувчи куй ва кўшиқлар яратганлиги тўғрисида тарихчи Мавлоно Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ». Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарларида қимматли маълумотлар учрайди. З.Каримованинг «Навои в музике» номли китоби Навоий асарлари бўйича яратилган санъат асарларига бағишлангандир.

Ҳамма даврларда ҳам мусиқа, хусусан кўшиқчилик санъати кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган, ўзида халқнинг турмуш тарзини ҳаётга

муносабати ва дунёқарашларини акс эттирган. Шунга кўра таълим-тарбия соҳасида санъатнинг, унинг етакчи ва оммавий турларидан бўлган кўшиқларнинг ўрни алоҳидадир. Шунинг учун ҳам ўзбек мусиқа санъатининг энг бой, сермаҳсул, шу билан бирга оммавий турларидан бири-мусиқа воситасида ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларни ривожлантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқишни бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида тадқиқ этдик.

**Муаммонинг ишланганлик даражаси.** Мамлакатимизда амал қилган мусиқий-эстетик таълим тарихини таҳлили шуни кўрсатадики, ўзбек мусиқа тарбиясини тўплаш, нотага олиш, нашр этиш ишлари йўлга қўйилган бўлса-да, мусиқий тарбия йўналиши миллий асосга қурилмаганлиги натижасида бу бебаҳо бойликлар тарбия тизимидан четлашиб қолди. Европа мусиқа санъатининг таъсири натижасида вужудга келган вокал, хор, опера, балет, эстрада, симфоник оркестрлар ижрочилиги бош йўналишда тараққий этди. Табиийки, мусиқа ва эстетик тарбияга бағишланган илмий тадқиқотлар ҳам асосан шу йўналишда бўлди. Бу санъат турларини камситмаган ва бу борада яратилган тадқиқотлар аҳамиятини пасайтирмаган ҳолда таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган санъат турлари бўйича бажарилган тадқиқотлар санъатшунослик йўналишида қилинган бўлиб, ўзбек халқ мусиқаси, унинг жанр хусусиятлари, куй тузилиши, ижрочилик усуллари, ривожланиш йўллари, кўшиқчилик бобида унинг айрим турларини изчил тадқиқ қилиниши бизнинг ишимизда фойдали аҳамият касб этади.

Айниқса, ўзбек мумтоз мусиқий мероси, фольклор кўшиқларининг тарихи, назарияси, хусусиятлари юзасидан Р.С.Абдуллаев (106), С.Бегматов(111), Т.Визго(29), О.Ибрагимов (116), Ф.М.Кароматов(46), И.Ражабов(71), Т.В.Ғофурбеков (30-31), М.Қодиров(110)ларнинг тадқиқотларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мусиқа таълими мутахассиси тайёрлаш муаммосининг турли компонентлари чет эллик олимлар О.А.Апраксина, Л.Г.Аргажникова,

Л.С.Величко, В.И.Муцмахер, Г.М.Ципин, Г.В.Яковлева кабилар томонидан тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда республикаимиз олимлари томонидан бизнинг тадқиқотимиз мавзусига яқин бўлган битирув малакавий иши ишлари амалга оширилди. Хусусан, Ғ.М.Нажмитдинов(117)нинг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари мусиқа педагогика факультетлари талабаларида касбга қизиқишни шакллантириш, Д.А.Жамолова(115)нинг Шарқ мусиқий-поэтик анъаналари ёрдамида ўқувчиларни мусиқий тарбиялаш самарадорлигини ошириш, Б.М.Кароматова(117)нинг Ўрта Шарқ мутафак-курларининг мусиқий-педагогик меросидан мактаб ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш бўйича олиб борилган изланишлари бунга мисол бўла олади. Шунингдек, С.Нишонова(126)нинг Шарқ Уйғониши даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбиясига оид тадқиқотида мусиқа ва адабиётнинг тарбиявий аҳамияти хусусида фикр юритилади. Бироқ бу тадқиқотларда ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини мусиқа воситасида эстетик тарбиялаш масаласи ўрганилмаганлиги боис бизнинг тадқиқотимиз мавзуси долзарблигича қолмоқда.

Педагогика соҳасида амалга оширилган илмий ишлар асосан мактаб педагогикасига бағишланган бўлиб, уларда санъатнинг турли жанрлари воситасида ахлоқий ва эстетик тарбиянинг назарий ва педагогик асослари ёритилган. А.Ш.Ҳасанов (134-135), Ҳ.Нурматов (128-129), Ф.Жўраев (114), Д.Камолова (119), О.А.Васильченко (112), Б.Г.Азимов (109), С.К.Аннамуратова (108), Ж.Жанайдаров (113), Ф.Н.Халилов(133)ларнинг илмий тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Шуларга асосланиб эътироф этиш мумкинки, танланган мавзу эстетик тарбия соҳасида янгича йўналишдир. Қўйилган муаммонинг айнан олий таълим тизими билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилмаганлиги унинг долзарблигини оширади.

**Тадқиқотнинг мақсади-** ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини муסיқа воситасида ривожлантиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш ва илмий асосланган методик тавсиялар яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

1. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини муסיқа воситасида ривожлантиришнинг мавжуд ҳолатини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва умумлаштириш.

2. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини муסיқа воситасида ривожлантириш воситасида эстетик тарбиялашнинг мазмуни, методлари, шакл ва воситаларини аниқлаш.

3. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини муסיқа воситасида ривожлантиришни такомиллаштириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти-** ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини муסיқа воситасида ривожлантириш воситасида талабаларнинг эстетик тафаккурини шакллантириш жараёни.

**Тадқиқот предмети-** ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини муסיқа воситасида ривожлантириш талабаларнинг эстетик тафаккурини шакллантириш мазмуни, шакли ва методлари.

**Тадқиқотнинг методологик асоси:** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».

Давлатимиз санъат ва маданият соҳасини ривожлантиришга доимий раҳномалик қилиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги “Республикада муסיқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги ПФ-1692-сон Фармони, 2002 йил 16 апрелдаги “Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида”ги ПФ-3052-сон Фармони, 2008 йил 8 июлдаги “Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг

фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сон Қарори, 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сон Қарори тадқиқотнинг методологик асосини ташкил этади.

**Тадқиқот методлари:** социологик тадқиқот, анкета, савол-жавоб, талабаларни халқ қўшиқчилиқ санъатига бўлган муносабатларидаги ўзгаришларни кузатиш, педагогик эксперимент.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва назарий аҳамияти** шундан иборатки: биринчидан, ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш масаласи мусиқа санъати мисолида назарий таҳлил этилмаган;

Иккинчидан, ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари мусиқа мисолида ўрганилмаган;

Учинчидан, ижодкор шахсларнинг шаклланишида мусиқа воситасида тарбиялаш шакллари анъанавий ва замонавий санъат таълими кесимида ижтимоий-тарихий жиҳатдан ёритилмаган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти:** тадқиқот натижаларидан маданият ва санъат тизимидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида халқ мусиқасини ўзлаштириш, оммавий мусиқий тадбирлар ўтказишда фойдаланиш мумкин. Битирув малакавий ишида илгари сурилган илмий хулосалар мусиқий-эстетик таълим мазмунини ва методикасини такомиллаштириш, талабаларни маънавий-эстетик қадриятларга жалб этишни таъминлайди, мусиқий таълим бўйича мавжуд дастур, маърузалар матнлари, ўқув ва методик қўлланмаларни такомиллаштириш, уларнинг миллий негизларини бойитишга методик замин яратади.

**Тадқиқотнинг таркибий тузилиши** кириш, иккита боб, тўртта параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.



## **I-БОБ. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари**

### **1.1. Ижодкор шахсларни шахсий сифатларини ривожлантиришнинг педагогик амалиётидаги аҳволи**

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, шахс тарбияси ва инсон маънавиятига бўлган эътибор кучайди, унга ғамхўрлик қилиш, унинг манфаатлари тўғрисида қайғуриш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг устувор сиёсати, кундалик фаолиятига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Ҳозирги долзарб вазифа инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ёш авлодни етук шахс, замонамиз талабига жавоб берадиган, билимдон, юксак маънавиятли, эътиқоди мустаҳкам, иродаси кучли, халқ, Ватан учун қайғурадиган комил инсон қилиб тарбиялаш ва вояга етказишдир. Зеро, давлатимиз раҳбари И.Каримов таъкидлаганидек, эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа “...миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”<sup>2</sup>.

Таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми, маданияти ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало таълимга эътиборни кучайтиради. Шу маънода мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимизнинг

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003. –Б. 5.

<sup>2</sup>Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 75.

«Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!»<sup>3</sup> - деган даъватлари туфайли мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилишга киришилди.

1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу муҳим давлат ҳужжатлари мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ички механизмини асослаб, уни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий-меъерий асосини ташкил қилади. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди. Президентимиз таъкидлаганидек, «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тасодифан пайдо бўлгани йўқ – бу айнан шу халқимизнинг қон-қонига сингиган маърифат қонуниятининг давоми»<sup>4</sup>.

Дастурда шунингдек, таълим ва тарбия жараёни орқали ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар ҳисобланган бағрикенглик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, умуминсоний ва миллий қадриятлар, бунёдкорлик ғоялари руҳида камол топтириш кўзда тутилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга ошириб бориш орқали баркамол инсон, янгича тафаккурга эга бўлган шахс, юқори малакали кадрлар етиштирилмоқда.

Ҳозирга келиб, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириб борилаётганлиги – фуқароларнинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири – билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, эгаллаётган касби

<sup>3</sup> Қаримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: «Шарқ», 1999. – Б. 53.

<sup>4</sup> Ўша манба, – Б. 50.

бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш каби ўта долзарб ва муҳим вазифалар бажарилмоқда.

Етук кадрлар тайёрлашда, ёшларнинг мафкуравий тарбиясига алоҳида эътибор бермоқ зарур. Чунки мафкуравий тарбия – ёшларни, Ўзбекистоннинг буюк келажagini барпо қилишда муносиб шахс, комил инсон ва етук кадр қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий тарбия таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ва йўналишларида амалга оширилади. Оиладан бошлаб, мактабгача таълим, ўрта умумий таълим, ўрта махсус касб-хунар таълими, олий ўқув юрти муассасаларида узлуксиз, ҳар қандай ўзибўларчилиқка йўл қўймай, изчил равишда амалга оширилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда, ёшларда ижодкорлик қобилиятини шакллантириш, бу жараёнда илмий ижод ва ижодий фикрлаш шаклларида фойдаланиш аҳамиятлидир.

*Ижод* деганда кенг маънода объектга (бутун атроф муҳит ёки унинг озми-кўпми ажратиб олинган, алоҳида бўлагига) субъектнинг (алоҳида шахс, ижтимоий табақа, жамиятнинг) фаол, изчил таъсири тушунилади. Мазкур таъсир жараёнида субъект ўзини қуршаган муҳитни ўзгартиради, шу пайтгача кўрилмаган, билинмаган, ўрганилмаган, ғаройиб ва жозибали янгиликни яратади ёки кашф этади. *Ижодий жараён* давомида шахс ҳам дунёни ўзгартиради, ҳам ўзини яратувчи, ижодкор, қошиф сифатида кашф этади. *Ижодкор шахс* – бу шахснинг туб хусусияти, унинг имманент хоссасидир: шахснинг, унинг қобилиятлари ва кўникмаларининг ривожланиш даражаси, шунингдек, унинг ижтимоийлашганлик даражаси унинг ижодий-бунёдкорлик, яратувчанлик салоҳиятини рўёбга чиқаради. Шахс ижод усули билан янгилик яратади, хилма-хил муаммоларни қўяди ва ҳал қилади, уларнинг ўзига хос ечимларини, базан бундай ечимларга нисбатан бетакрор ёндашувлар, усуллар, методларни топади. Ижодий

фаолликда тадқиқотчи, яратувчи, олим шахсининг ўзига хослиги ва бетакрорлиги намоён бўлади<sup>5</sup>.

Ижодий фаоллик субъектга муттассил ўзгарувчи, ривожланувчи, ички зиддиятларга бой объектнинг курашга чорловларига муносиб жавоб қайтаришга кўмаклашади. Ижод жараёнининг бу жиҳати илмий билиш жараёнида, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Илмий тадқиқотдаги барча ёндашувлар, шакллар, воситалар ва методлар илмий хусусиятга эга<sup>6</sup>.

Ҳозирги замон ноклассик (квант-реалистивистик) фанининг креатив-эвристик роли алоҳида яратувчи олимнинг илмий ижодида ҳам, илмий жамоалар – лабораториялар, институтлар, синов полигонлари ва ҳоказоларнинг илмий ижодида ҳам ўз аксини топади. Илмий ижод – бу илмий билишнинг ривожлантириш, янги илмий билим олиш ва ундан фойдаланиш, илмий билимни янги қонунлар ва қонуниятлар, янги илмий принциплар ва назариялар, инсон фаолиятининг ҳар хил соҳаларидаги амалиётга фаол чиқишлар билан бойитиш билан боғлиқ билиш ва бунёдкорлик фаолиятидир. Илмий ижод – бу асосий жиҳати ўрганилаётган ҳодисалар ва жараёнларнинг, уларнинг ҳаракат ва ривожланиш қонунларининг моҳиятини абстракт тушунчалар, схемалар, формулалар, тенгламалар ва ҳоказолар шаклида ифодалашдан иборат бўлган объектив воқеликнинг субъектив акс эттиришдир<sup>7</sup>.

Одатда, олим ўз ижодида методлар, ёндашувлар ва концепцияларнинг тизимидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам илмий ижод воқеликни илмий билиш ва ўзгартиришнинг адабий барҳаёт, ўзгарувчан, ҳар сафар ўзгарган шаройитларга мослашувчан усули ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фаолияти ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонни ривожлантириш

<sup>5</sup>Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 5.

<sup>6</sup>Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 5.

<sup>7</sup>Саифназаров И., Никитченко Г., Қосимов Б. Илмий ижод методологияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 6.

муаммолари ва истиқболларини илмий жиҳатдан чуқур, объектив кўриб чиқишга нисбатан ижодий ёндашувнинг ёрқин мисолидир.

И.А.Каримов ўзининг теран ижодий тадқиқотлари, китоблари, асарлари, маърузаларида халқ, жамият, давлатни ижтимоий ривожлантиришнинг тарихий илдизларини ва истиқболларини чуқур таҳлилдан ўтказди. Президентимиз яратган ижтимоий-демократик ислохотларни амалга оширишнинг ўзига хос бетакрор ижодий модели “Ўзбек модели” сифатида ном қозонди. Ушбу моделда бизнинг асосий мақсадимиз – келажаги буюк демократик Ўзбекистон давлатини барпо этиш эканлиги эълон қилинди ва амалга татбиқ этилмоқда.

Педагогика фани ижтимоий фанлар сифатида жамият ва шахс қонуниятлари билан шуғулланиши маълум. Айниқса, бугунги кунда бу фаннинг мавқеи ниҳоятда кучайди ва унинг мазмунига қўйилган талаблар янада кенгайиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов истиқлолнинг бошланғич давридаёқ собиқ тоталитар мафкурадан соқит бўлиш, маънавий ҳаётда содир бўлиши муқаррар мафкуравий бўшлиққа йўл қўймаслик, янгича онг ва тафаккур соҳиби бўлган эркин ШАХС шаклланишига алоҳида эътибор қаратди. Пировард натижада «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг мақсади, вазифалари ва йўналишларини белгилаб берди.

Ижодий фикрлашга ўргатиш Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида баён этилган юқори умумий ва касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда ўз ўрнини топа олиш малакасига эга бўлган, истиқболий вазифаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган кадрларнинг янги авлодини шакллантириш вазифасини ҳал қилишга ҳам тўла-тўқис мос келади ва шу билан унинг долзарблиги белгиланади. Зеро, кишилардаги ижодий фикрлаш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъмин этувчи, ҳаракатлантирувчи механизмдир.

Мустақиллик йилларида таълим жараёнига ижодий фикрлашни қўллаш ва талабаларни бунга ўргатишга фанлараро дастур сифатида катта эътибор

берилмоқда. Чунки у ўқитишга ёндашув ва услубларнинг универсал мажмуи сифатида очик ва демократик жамият тамойилларига тўлароқ мос келади. Бундай ёндашув Ж.Стилл, К.Мередиc ва Ч.Темплининг асарларида кенг баён этилган бўлиб, улар ушбу йўналиш асосчиси ҳисобланади.

Хўш ижодий фикрлаш нима? Аввало мантиқ тушунчасини моҳиятини англаб оладиган бўлсак, мантиқ – бу инсон тафаккури, маданиятини кўтариш ва инсониятнинг узок тажрибаси натижаси такомиллашган тафаккур шакллари, қонунлари ва қоидаларини билиш учун хизмат қилади. У инсон фикрларининг кетма-кет, зиддиятсиз ва асосли бўлишини ифодалайди.

Ижодий фикрлаш эса – кишиларнинг ўз тафаккури ва ўзгалар тафаккури натижаларига танқидий қараш ҳисларини ривожлантиради.

Тафаккурнинг бу сифатлари эса инсоннинг турли илмий ва амалий фаолиятлари соҳасидаги иши учун катта аҳамиятга эга. Маълумки, ўқитувчилар, ўқувчилардан ўз фикрини аниқ, хулосаларнинг асосли бўлишини талаб қиладилар. Шу жиҳатдан, ижодий фикрлашни ўрганиш уларнинг кундалик ишларида ёрдам беради.

Ўқитувчилар ўз предметларини чуқур билиши, шу билан бирга фаолиятли нутқларидаги зўр мантиқийлик орқали ўқув материални аниқ, кетма-кет, зиддиятсиз, асосли ва ишонарли ифода этиши, ўз хулосаларини шубҳасиз далиллар билан талабалар онгига сингдириш орқалигина ўз мақсадларига эришишлари мумкин.

Мантиқий усуллардан тўғри фойдалана олиш, таълим-тарбия жараёнида исбот ва раддиянинг мантиқий томонларини билиш, ўқитувчиларга ўз нутқининг асосли бўлишини таъминлашда талабалар фикридаги зиддиятларни очишда ёрдам беради.

Фикрлаш – бутурли фикрларнинг ички боғланиш асосида ташкил топувчи фикрлар тизмасидир. Лекин бу тизма бўлак-бўлак ҳолда икки фикрнинг мантиқий асосва мантиқий натижа оқибати шаклида келувчи фикрлар тизмасидан ташкил топади. Бошқа фикрларнинг, ҳукмларининг

тўғрилигини асослаш учун келтирувчи ҳукмлар-мантикий асос деб юритилади.

Табиатда энг етук жонивор инсондир. Унинг етуклигини эса онг, тафаккур белгилайди. Тафаккурсиз инсонни, инсонсиз тафаккурни тасаввур этиш мумкин эмас. Тафаккур ўзининг маълум бир шаклларига, қонун-қоидаларига эгадир. Мантикий тафаккурнинг ажралмас хислати аниқлик, изчиллик, зиддиятсиз ва асосли бўлишидир. Бу хислатлар мантиқ фанининг тўртта умумий қонунлари орқали ифодаланadi. Булар айният қонуни, нозидлик қонуни, учинчиси истисно қонуни ва етарли асос қонунларидир. Бу қонунлар “Ижодий фикрлашнинг умумий қонунлари” деб аталади.

Ижодий фикрлашнинг умумий қонунлари ҳар бир инсоннинг тўғри, ижодий фикрлаши учун айрим талабларни илгари суради. Бу талабларга амал қилинганда фикрлаш тўғри, тушунарли, аниқ, изчил, зиддиятлардан холи ва асосли бўлиши таъминланади. Лекин бизнинг назаримизда, бу қонунлар ижодий фикрлаш жараёнини тўла қамрай олмайди.

Биринчидан, ижодий фикрлашнинг умумий қонунлари ёритилган адабиётларга кўра, бу қонунларнинг умумий жиҳати “фикрлар ўртасидаги мавжуд зарурий алоқалардир.” Бундан кўриниб турибдики, бу қонунларнинг талаблари бир-бирига боғлиқ бўлган мулоҳазаларнинг мавжудлигини тақозо қилади. Бу эса битта фикр ёки битта тушунча доирасида бу қонунлар кучга эга эмас, бу қонунларнинг амал қилиши учун зарурий шароит йўқ деганидир. Холбуки, биргина ифоданинг ўзида ҳам хатога йўл қўйиш мумкин.

Иккинчидан, “Тафаккурнинг муҳим хусусияти унинг тил билан узвий боғланганлигидир... Тил ва тафаккур реалликни билиш, бошқа инсонлар билан муносабатда бўлиш, объектив реалликка таъсир кўрсатиш, ҳар бир ишни олдиндан ўйлаб, онгли равишда амалга ошириш кабиларда кўринувчи, умуман инсон фаолиятининг онгли, мақсадга мувофиқлигини таъминловчи инсонгагина хос бўлган тарихий муҳим ҳислатдир”. Бундан кўриниб турибдики, тафаккур ва тил узвийлигини таъминлаш тўғри фикрлашнинг

асосий талабларидан биридир, бироқ мантиқан тўғри фикрлашнинг умумий қонунларидан ҳеч бири тафаккур ва тил узвийлигини акс эттирмайди.

Учинчидан, “Тафаккурнинг воситаси бўлган тил тафаккурнинг ўзига ҳам таъсир этади. Тафаккурдаги хатоликлар тилдаги хатоликлар сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин, ўз навбатида, тилдаги нотўқисликлар тафаккурдаги хатоликларга олиб келиши мумкин. Шунга кўра, бу ўзаро алоқадорликни ўрганишга қаратилган изланишлар мантиқий тафаккурни тушунишда жуда ҳам зарурдир”.

Тўртинчидан, тўғри фикрлашнинг умумий қонунларига умумий таъриф берилаётганда бу қонунлар фикрнинг “аниқ, изчил, зиддиятлардан холи ва асосли” бўлишлигини таъминлаши айтилади. Ҳар бир қонунга алоҳида тўхталганда, айният қонуни “ҳар бир фикр, муҳокама аниқ, равшан бўлишини” ифода этиши, нозидлик қонуни ва учинчиси истисно қонуни “фикрий зиддиятнинг олдини олишга” қаратилганлиги, етарли асос қонуни эса “ҳар бир фикр, мулоҳаза, муҳокаманинг чинлиги бошқа чинлиги исботланган фикр ёрдами билан асосланиши” кўрсатилади. Ўз-ўзидан савол туғилади: тўғри фикрлашнинг умумий қонунларидан қайси бири тўғри фикрлашнинг асосий талабларидан бири бўлган мантиқий изчилликни тўлақонли акс эттира олади?

Ижодкор шахсларнинг шаклланишида муסיқа тарбиясининг асослари бу – шахс, ижод, ижодий фаолият, илмий ижод, ижодий фикрлаш, тўғри фикрлаш ва фикрни тўғри баён этиш каби тушунчалар мазмунида шаклланиб, бу борада илмий изланишлар олиб бориш зарур. Бу изланишларнинг назарий асосларини тадқиқ этишда Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг илмий-маънавий меросига мурожат этмоқ лозим ва муҳимдир.



## 1.2. Шарқ алломаларининг шахс тарбиясида илмий ижод ва мантиқий фикрлаш юзасидан қарашлари

Инсон ва уни тарбиялаш, етук шахсни камолга етказиш масаласи кадимдан Шарқ олимлари, мутафаккир ва донишмандларининг диққат-марказида бўлиб келган. Улар инсон зотини юксакликка кўтарганлар, уни тирик мавжудотлар орасида энг аълоси деб ҳисоблаганлар.

Мозийда яшаб ўтган мутафаккирларнинг инсон ва уни яшашдан мақсади, мукамал жамият, одил ва маърифатли шоҳ, комил инсон ҳақидаги қимматли фикрлари ҳозиргача ўз қадрини йўқотмасдан, инсониятга хизмат қилмоқда.

Ўзбек халқининг минг йиллик тарихида дунё илм-фанига тамал тошини қўйган улуғ аллома ва мутафаккирлар яшаб ижод этганки, улар фаолиятининг асосини шахс тарбияси ва уларнинг мантиқий фикрлашини такомиллаштириш масалалари ташкил этади.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлқинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси биринчи навбатда иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги қарвон йўлларининг очилиши ва авваламбор нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган<sup>8</sup>.

Халқимиз тарихий тараққиёти Ўрта асрларда тубдан ривожланиб, ҳар бир фан соҳасида йирик тадқиқот олиб борган алломалар ва мутафаккирлар етишиб чиқди. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётда, жумладан, мусиқа санъатини тараққий эттиришда ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Бу даврга келиб, халқнинг табиий-ҳаётий эҳтиёжи асосида пайдо бўлган мусиқа асарлари бадий жиҳатдан юксалди ва оммалашди.

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. – Самарқанд. 2014 йил 15 май. “Халқ сўзи”, 2014, 16 май.

Санъатнинг ижтимоий вазифалари инсоннинг ақл-тафаккурини бойитиш, унинг иқтидорини кучайтириш, маънавий оламини шакллантиришга хизмат қилади. “Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш ҳақида сўз юритар эканмиз, - дейди Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, - ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳар қайси истеъдод эгаси ўзига хос бир олам, шу сабабли ижод аҳлига қандайдир ақл ўргатиш, энг асосийси, уларни бошқаришга уриниш мумкин эмас. Лекин бу ҳаётда уларни бирлаштирадиган, янги ижодий марралар сари илҳомлантирадиган муқаддас тушунчалар борки, улар Ватан ва халқ манфаати, эзгулик ва инсонийлик тамойиллари билан узвий боғлиқдир. Агарки ҳар қайси ижодкор ўз асарларида ана шу ўлмас ғояларни бош мақсад қилиб қўйса, уларни бадиий маҳорат билан ифода эта олса, ҳеч шубҳасиз, адабиёт ҳам, маданият ва санъат ҳам том маънода маънавий юксалишга хизмат қилиб, ўзининг ижтимоий вазифасини тўлиқ адо этишга эришган бўлади”<sup>9</sup>.

Қадимги ва ўрта асрлар Ўзбекистон ҳудудидаги санъат, унинг ҳолати тўғрисида фикр юритганда икки жиҳатга эътибор бериш лозим. Биринчидан, азал –азалдан ушбу ҳудудда анъанавий тарзда санъатнинг турли шакллари ривожланиб келган. Улар айна пайтда икки дарё оралиғида қадимдан яшаб келган ўзбек халқининг миллий маданий меросининг ўзагини ташкил этади. Айна пайтда, иккинчидан, Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудида юз берган этномаданий жараёнлар, халқларнинг буюк кўчишлари, турли даврларда истилолар ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган. Мазкур жараённи ўрта асрлар кўшиқчилик санъати мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу даврда кўшиқчилик санъати жанрларининг бойиши янада кучайди. Анъанавий ғазаллар, тароналар, қасидалар билан бирга амал, нақл, пешрав каби жанрларнинг пайдо бўлиши миллий санъат ривожланишида янги босқич бўлди. IX асрдан бошлаб профессионал кўшиқчилик санъатида унинг назарий – услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва уни асослаш кучайди.

---

<sup>9</sup>Каримов А. И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 158.

Бироқ бу билан ҳозирги замон ўзбек кўшиқчилик санъатидаги профессионализм назарий асосларининг вужудга келиши айнан шу давр билан чегараланади, дейиш хато бўларди, зеро унинг илдизлари ўлкамиз ва унда истиқомат қилган қадимий халқларнинг кўҳна тарихи билан бевосита боғлиқдир. Уйғониш даврида Марказий Осиё халқлари кўшиқчилик санъати назарий асослари Абу Наср Форобий (IX-X асрлар), Абу Али ибн Сино (X-XI асрлар), Ибн Зайло (XI аср), Сафиуддин ал-Урмавий (XIII аср), Маҳмуд аш-Ширози (XIII аср), Абдулқодир Мароғий (XIV аср), Абдурахмон Жомий (XV аср), Зайнулобиддин Хусайний (XV-XVI асрлар) каби қатор мутафаккирлар тадқиқотларида янада такомиллаштирилди<sup>10</sup>.

Ўрта аср шарқ мутафаккирлари ва алломалари орасида шарқ мусиқаси билимдони ҳамда бирор мусиқа асбобини яратган ижодкорлар ҳақида илк бор маълумот берган асар бу – “Таворихи мусиқийн” асаридир. Унинг муаллифи Мўъжизий бўлиб унинг таржимаи ҳоли хусусида бизга тўлиқ маълумотлар етиб келмаган. Фақатгина унинг “Таворихи мусиқийн” асарида ёзганидек, у ушбу асарни 1854 йилда ёзиб тугатган. Унинг тўлиқ исми Исматулла бинни мулло Неъматулло Мўъжизий бўлиб, Хўтанда вафот этган. Ушбу рисолада жами 17 та мусиқа илми намоёндаларининг ҳаёти, ижоди ва мусиқа илми соҳасида олиб борган ижодлари ҳақида маълумотлар берилган. Шарқ мусиқа илми намоёндалари орасида Абу Наср Фаробий, Мовлоно Аълий, Хўжа Шаҳобиддин, Абдулло Марвайит, Абдурахмон Жомий, Низомиддин Миралишер Навоий, Муҳаммад Ҳоразмий, Нўъмон Самарқандий, Мавлоно Соҳиб Балхий, шайх Сабой Самарқандий, Қодирхон Ёрқандий, Паҳлавон Маҳмуд, Мовлоно Лутфий, Юсуф Сакокий, Омонисахоним ва бошқа мусиқашунослар ҳаёти ва ижоди ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган<sup>11</sup>.

<sup>10</sup> Маврулов А. Ўрта асрларда Ўзбекистон санъатидаги трансформацион жараёнлар // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016. – Б. 13-14.

<sup>11</sup> Абдужаббарова М. Таворихи мусиқийн”да шарқ мусиқа илми намоёндалари ҳақида // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016. – Б. 35-36.

Уйғониш даврининг буюк олими Абу Наср Форобий анъанавий кўшиқчилик илми билан жуда жиддий шуғулланган. Унинг “Муסיқа ҳақида катта китоб” номли фундаментал ишида ўрта аср муסיқаси тарихи ва назарияси масалалари, муסיқа яратиш тамойиллари ва муסיқа асбобларининг тузилиши ёритилган. Форобий дунёқараши жаҳон цивилизациясининг мураккаб босқичларидан бири бўлмиш IX-X асрларнинг кучли ва заиф томонларини ўзида мужассам этиб, шу давр маданий ютуқларининг илмий синтези бўлиб қолди. Форобий фалсафаси IX-XIII асрлар Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка ва “араб” Испаниясининг ижтимоий-фалсафий тафаккури ривожига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Кейинчалик бу таъсир Европага ҳам ёйилди. Форобий ўзига хос қимматли ғояларни илгари сурдики, бу билан янги фалсафий оқимга асос солди ва шу тариқа Шарқ ва Ғарб маънавияти ва маданияти тараққиётида муносиб из қолдирди<sup>12</sup>.

Санъатда, айниқса кўшиқчилик санъатидаги трансформацион жараёнлар Амир Темур даврида айниқса кучайди. Ушбу санъат соҳасида демократик жараёнларнинг мавжуд бўлишини ҳам Амир Темур даври билан боғлаш тўғри бўларди, зеро айнан Буюк Соҳибқирон ташаббуси билан муסיқий поэтик мусобақаларни уюштириш вужудга келган. Муסיқачи, ашулчи ва шоирлардан иборат бўлган ижодий гуруҳлар асосан халқ ва мумтоз анъаналарга суяндилар<sup>13</sup>.

X-XI асрларда Ўрта Осиёдан чиққан олимлар томонидан араб тилида яратилган муסיқа илмига оид уч муҳим асар қўлёзмалари XX аср араб шарқшунослари томонидан тадқиқ этилган, танқидий матнлари тузилган ва нашр этилган. Биринчиси, Ибн Синонинг «Муסיқа илми тўплами» нинг танқидий маши 1956 йил Кохирада нашрдан чиқди. Танқидий матн ва китоб муқаддимасини Закария Юсуф тайёрлаган. Муқаддимада «Муסיқа илми

<sup>12</sup> Ўрта асрлар Шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари. - Тошкент, 2014. – Б. 115.

<sup>13</sup> Маврулов А. Ўрта асрларда Ўзбекистон санъатидаги трансформацион жараёнлар // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016. – Б. 39.

тўплами» нинг мавжуд ва маълум қўлёзмалари хақида гап боради. Китобда яна Махмуд Ахмад Хафнийнинг кириш сўзи бор. Кириш сўзида ўрта асрлар Шарқ муסיқашунослиги, Киндий, Форобий ва Ибн Сино муסיқий-назарий карашлари муҳокама қилинади ва танқидий матнни тайёрлашда фойдаланилган қўлёзмалардан иккитасига баҳо берилади. Умуман, Ибн Синонинг «Муסיқа илми тўплами» асарининг танқидий матни учун ёзилган муқаддима илмий жихатдан камтарона ёзилган. Иккинчиси 1964 йил Закария Юсуф Ибн Зайланинг «Муסיқага оид тўлиқ китоби» нинг танқидий матнини чоп этди. Нихоят, 1967 йили Фаттос Абдулмалик Хашаба Форобийнинг «Катта муסיқа китоби» нинг танқидий матнини илмий шарҳи билан эълон қилди. Мазкур тадқиқотга Махмуд Ахмад Хафний мухаррирлик қилди ва кириш сўзи ёзди. Бундан ташқари, танқидий матн олдидан тадқиқотчи Фаттос Абдулмалик Хашабанинг муқаддимаси бор. Устоз Хашаба бетма-бет бериб борган шарҳлар ҳажми танқидий матннинг ҳажмидан анча катта. Матннинг шарҳи илмий томондан пухта жиҳозланган. Аммо муסיқий - назарий масалаларнинг тахлилида ҳам, муסיқий атама ва тушунчаларнинг шарҳида ҳам, ҳамма нарсани арабчалаштиришга мойиллик бор<sup>14</sup>.

Фаробийнинг муסיқашуносликка қўшган хиссаси беқиёсдир. У янги муסיқа асбоби яратган моҳир созанда, бастакор, йирик муסיқа назарийчиси бўлган. Фаробий ихтиро қилган муסיқа асбобининг номи манбаларда турлича – «қонун», «ғиччак», «уд» деб аталади. Фаробийнинг бастакорлик фаолиятига келганда унинг баъзи муסיқа асарлари Эронда ва Шарқнинг бошқа мамлакатларида ҳозирга қадар ҳам ижро этилиб келинаётганлиги хақида маълумотлар бор. Фаробий (назарияси) муסיқа назарияси соҳасида бир қатор асарлар қолдирган. Улар орасида катта муסיқа китоби кенг тарқалгандир. Фаробий бу китобида муסיқанинг кенг таърифини беради, унинг асосий тушунчаларини ҳамда муסיқа асарлари таркиб топадиган

---

<sup>14</sup> Балтаниязов С. Ўрта асрдаги Шарқ муסיқа маданияти // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016. – Б. 14-15.

элементларини очиб беради. «Катта мусиқа китоби»ни мазмунига тўхташдан олдин айрим мутахассисларнинг жаҳон мусиқа санъати таракқиётида Фаробий мусиқа меросининг роли ҳақида айтган баъзи фикрларини келтириб ўтказамиз. Фаробий яшаган даврда қадимги грек авторларининг мусиқа ҳақидаги баъзи ғоялари маълум эди. Фаробийга қадар мусиқа назариясини ўрганиш билан Ал Киндий шуғулланган. Фан тарихчиси Қ.Сартон «Ал Киндий илк мусулмон мусиқашуноси бўлган ва унинг айрим асарларида «окондлар ёзуви» «мавжуд», - деб кўрсатади. Фаробийнинг асари унга қадар яратилган асарлардан устун бўлибгина қолмай балки Шарқ ва Ғарбда мусиқа назарияси таракқиётини бир неча асарга белгилаб берди. XV асрнинг мусиқа назариётчиларидан бири Шарқнинг йирик шоири ва мутафаккири Абдурахмон Жомий ўзининг «Мусиқа ҳақида рисола»сида Фаробийни буюк мусиқашунос олим сифатида тилга олади<sup>15</sup>.

Алишер Навоий нафақат буюк шоир, балки буюк тарихнавис, архитектор, тадбиркор ҳамда мусиқа илмининг дарғаларидан бири сифатида миллатимиз маънавий бисотидан мустаҳкам ўрин эгаллаганлар. Алишер Навоийнинг мусиқа санъати борасидаги хизматлари шу қадар катта бўлишига қарамай, бу соҳада жуда кам тадқиқотлар олиб борилган. Буюк мутафаккир ўзининг “Мажолисун-нафоис”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” ва бошқа қатор асарларида мусиқа санъатининг ҳолати, муаммолари ва уни ривожлантириш борасида қимматли мулоҳазаларни илгари сурганлар. Айниқса, “Мажолисун-нафоис” деб аталган машҳур тазкира XV асрдаги Мовароуннахр ва Хуросон мусиқа санъати хусусидаги қимматли манба ҳисобланади. Мазкур асарда Алишер Навоий ўша даврдаги 456 атоқли шахслар ҳаёти, ижоди ва фаолиятига холис баҳо беради. Шу нарса эътиборга лойиқки, асарда улуғ мутафаккир 18 нафар мусиқа соҳасида фаолият юритган шахсларга бевосита ҳамда 12 нафар буюк шахснинг мусиқа билан ҳам шуғулланганлари хусусида билвосита, яъни бу улуғ шахслар

---

<sup>15</sup> Балтаниязов С. Ўрта асрдаги Шарқ мусиқа маданияти // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016. – Б. 39-40.

“эгаллаб улгурмаган фан соҳалари қолмаган эди” деб таъриф берганлар. Мисол учун, Алишер Навоийнинг шахсий илтимосларига биноан 1489 йилда Абдурахмон Жомий томонидан яратилган “Рисолаи-муסיқа” асарини эслаб ўтиш ўринлидир<sup>16</sup>.

Фахриддин ар-Розий Шарқда биринчилардан бўлиб илмий методологияга асос солган. Абу Райҳон Берунийдан кейинги давр ўрта аср шарқ фалсафасини ўз фикрлари билан бойитди. Машҳур калом олими ва диний фалсафа намоёндаси бўлган. У қомусий олим бўлиб, Рай шахрида туғилган бўлса-да, ҳаётининг кўп қисми Бухоро, Самарқанд, Насаф, Хоразм, Банокат ва Марвда яшаган. Жумладан, Бухорода буюк мутафаккирлар Абу Али ибн Сино ва Абу Наср Форобий таълимотларидан таҳсил олади, илмий баҳсларда қатнашади. Хиротда унинг учун махсус мадраса таъсис этилган, шайхулислом лақаби билан машҳур бўлган. Фахриддин ар-Розий Арасту, Абу Али ибн Сино ва бошқа алломаларнинг асарларига шарҳлар ёзган. Фахриддин Розийнинг вафоти ҳақида ҳам олимлар орасида турли фикрлар мавжуд. Баъзилари Хоразмда, баъзилари Рай шахрида, яна бошқалари Хиротда вафот этган дейишади. Аммо кўпчилиги унинг Хоразмда оғир касаликка чалинганини эътироф этиб, у ерда вафот қилганига гувоҳлик беришади. Шунга кўра, Фахриддин Розий хижрий 606 (милодий 1209) йили рамазон ойининг 15 кунда боқий дунёга кўчгани айтилади. Фахриддин Розийнинг “Жомеъ ул-улум” (“Илмлар тўплами”) асари қомусий асар бўлиб, Хоразмшоҳ Алоуддин Такаш илтимосига биноан ёзилган. Ушбу асар ўша давр мусулмон шарқидаги 60 та фан ҳақида дастлабки маълумотларни беради. Муаллиф фанларни нақлий (калом, фикҳ, мазҳаб, тафсир) ва ақлий (тарих, грамматика, аруз, физика, алгебра, мантиқ, физика, астрономия, сиёсат, давлат бошқаруви ва муסיқа), фурубий (бошқа фанлардан ҳосил бўлувчи) ва аслий (асосий) сингари қисмларга бўлади. Ҳар бир фан асослари

---

<sup>16</sup> Бекмуродов М.Б. Алишер Навоий буюк муסיқа мутафаккири // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016. – Б. 42.

3 га бўлиниб, оддийдан мураккаб тамойили асосида тушунтирилади: оддий асослари (ал усул ал зоҳирот), мураккаб (ал усул ал мушкулот), такрорлаш учун саволлар (ал имтиҳонот). Асарнинг 47 боби “мусиқа” боби ҳисобланади. Фаҳриддин ар-Розий фикрича “ҳеч ким ҳақиқий онг ва жисмоний ҳолат билан тирик одамларча тафаккур қилишга эга бўлишдан кўра мусиқа илмига чуқурроқ кириб бора олмайди”<sup>17</sup>.

Шарқ олимларининг назарий қарашлари мусиқа тажрибаси асосида шаклланган бўлиб, улар ўз рисолаларида мусиқа чолғусини жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида атрофлича маълумот берганлар. Абу Наср Муҳаммад Форобийнинг (873-950) “Мусиқа ҳақида 24 катта китоб” (“Китоб ал-мусиқа ал-кабир”), Абу Али ибн Синонинг (980-1037) “Даволаш китоби” (“Китоб ум-шифо”) қомусидаги “Мусиқа ҳақида рисола”, Ал Хоразмийнинг X аср “Билимлар калити”, Сафиуддин Урмавийнинг (1216-1294) “Олийжаноблик ҳақида китоб” ёки “Шарафий китоби”, Абдурахмон Жомийнинг (1414-1492) “Мусиқа ҳақида рисола”, Абдулқодир Мароғий XV аср “Мусиқа илмида оҳанглар тўплами” (“Жами ал-алҳон фи-илм ал-мусиқий”) рисолаларида мусиқа ижрочилиги ва ҳалқ чолғу асбоблари ҳақида муҳим маълумотлар берилган<sup>18</sup>.

Ўрта Осиёлик машҳур табиб Абу Али ибн Сино (980-1037) “Даволаш китоби” (“Китоб ум-шифо”) қомусидаги “Мусиқа ҳақида рисола” сида ўз даври мусиқа чолғуларини икки гуруҳга бўлади: Мизробли, нохунли, (Борбад, танбур, рубоб) ва бутун резанатор қапқоғи бўйлаб тортилган очик чолғу асбоблари (шоҳрух, чилтор, лира), чанг (арфа) гуруҳларига ажратади. Олим, оҳанги инсон овозига яқин турадиган чолғу асбоблари уд, рубобни батафсил таърифлаган. Абу Али ибн Синонинг “Ал-муддоҳил ила санъатал мусиқий” асари ҳам мавжуд бўлиб, у мазкур асарда шундай ёзади: ”Мусиқа ҳаётбахш, олийжаноб, ахлоқий хусусиятларни ривожлантиради, у инсонга

<sup>17</sup>Убайдуллаева Д. Фаҳриддин Розий // “Ҳидоят” журнали. 2011. № 5. – Б. 26.

<sup>18</sup> Одилов А.И. Ўрта Осиёда халқ чолғуларининг тадрижий ривожланиши // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016. – Б. 77.



хизмат қилади. Унинг рухий ва ахлоқий қиёфасини шакллантиради”. Олимнинг мусиқанинг тарбиявий аҳамияти ҳақида қарашлари Арасту фикрлари билан ҳамохангдир. Бундан ташқари, ибн Сино ўзининг тиббиётга оид “Китобдан – Нажот”, ”78 ата 78 баш – Шифо”, ”Донишнома” каби асарларида ҳам мусиқа назарияси ва амалиёти хусусида нодир фикрларни баён этиб қолдирган<sup>19</sup>.

Мусиқий чолғуларни илмий таснифлаш анъанаси кейинги давр манбаларида ҳам давом этганини кўриш мумкин. Ибн Зайла (XI) ўзининг “Мусиқага оид тўлиқ китоб”да мусиқий чолғуларни таснифлаб, уларни кўйидаги гуруҳларга бўлади:

1. торли, пардали тирнама асбоблар -уд ва *танбур* кабилар;
2. торли, пардаларсиз, нағмалар орасидаги фарқ торнинг узун ва қисқалиги билан белгиланувчи чолғулар -*санж* ва *шохранд* кабилар;
3. торли пардаларсиз, нағмалар орасидаги фарқ эшак ва харрақлар воситасида торни қисқартириш ё узайтириш орқали белгиланувчи асбоблар - *анқо* кабилар;
4. торли, болғача, чўплар билан уриб чалинувчи асбоблар -*хитой чанги* кабилар.
5. пуфлама-дамли асбоблар - *най, йароъа, арганун, сурнай* ва *мешли сурнай* кабилар;
6. чўзиқ муттасил товушли асбоблар – *най, сурнай* ва *рабоб* (камончали асбоб) кабилар;
7. усул бериб турувчи урма асбоблар – *ногора, доира, қўлқарсак* кабилар.

Ибн Зайла чолғуларни таснифлаш билан бирга, ёқимли товуши билан ажралиб турувчи ва инсон халқумига тақлид қила оладиган чолғулар номини келтиради, уларни қайси гуруҳга мансублигини аниқ қилиб (*рабоб*(камонли чолғу), *мазамир*(дамли чолғу), *уд*(торли тирнама чолғу), *миъзафа* (арфасимон

---

<sup>19</sup> Одилов А.И. Ўрта Осиёда халқ чолғуларининг тадрижий ривожланиши // “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари”. Халқаро илмий-назарий ва амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: Lesson press, 2016. – Б. 78.

чолғу) кўрсатиб ўтган. Алломани усталик билан мусиқий чолғуларни товуш чиқариш хусусиятига қараб берилган таснифоти, уларни тасаввур этишимизга ёрдам беради. Бу алломадан фарқли ўлароқ эронлик мусиқа назариётчиси Қутбиддин аш-Шерозий (1236-1310) «Дар илми мусиқий» («Мусиқа илмида») рисоласида мусиқа чолғулари ҳақида сўз юритар экан, уларни қуйидагича таснифлайди. Вибрацияга (тебраниш) асосланган чолғулар:

1. торли (*уд, рубоб, танбур, чанг, нузха, қонун* ва ҳ.к.);
2. торсиз (*анқо, авони, меҳтар*);
3. пуфлама (*най, сурнай*);
4. сиқик ҳаво воситасида товуш чиқазиладиган (*арғанун*)<sup>20</sup>.

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари ва алломалари томонидан яратилган асарлар бугунги кунда бутун инсониятнинг маънавий мулкига айланди. Бу борада Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “бу, энг аввало, ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди”<sup>21</sup>.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, биргина Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг мусиқа санъатида олиб борган йирик тадқиқотлари асосида шахсни тарбиялаш, унинг эстетик онгини ривожлантириш, мантиқий фикрини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари яратилган бўлиб, мазкур тадқиқотлар ижодкор шахслар тарбиясида илмий ижод ва мантиқий фикрлашнинг назарий-методологик асосларини таъминлайди.

---

<sup>20</sup> Орипов З. Шарқ мусиқий манбашунослиги (X-XI асрлар). – Тошкент: 2008. – Б. 58.

## **II-БОБ. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришда муסיқа тарбиясининг эстетик аҳамияти**

### ***2.1. Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини муסיқа воситасида шакллантириш технологиялари***

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновацияларни кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар қўламининг ортиб бориши, мамлакатда модернизация жараёни тез суръатлар билан ривожланаётганайни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо кўплаб педагогик инновацияларнинг яратилаётганига қарамай, таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, метод ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларни жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайд.

Дарҳақиқат, янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир ўқитувчининг ўз фанигава баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўргана бориб, уларни ўз меҳнат фаолиятида изчил қўллай билиш маҳоратига эга бўлиши бугунги куннинг муҳим талабидир.

Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича педагог кадрлар тайёрлашнинг сифатини кўтаришдоталабаларни илм-фан тараққиётининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали, замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади. Бундан ташқари замонавий ўқитиш технологиялари, улар билан боғлиқ методик ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларда зарурий билимлар, муҳим қонуниятлар, кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил, чуқур ва мустаҳкам шакллантириш учун қулай шароит яратади.

---

<sup>21</sup> Каримов И.А. “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. – Самарқанд. 2014 йил 15 май. “Халқ сўзи”, 2014, 16 май.

Олий педагогик таълим муассасалари талабаларида касбий тайёргарликни шакллантириш ва уни ривожлантириш, мазкур жараёнга нисбатан тизимли, комплекс ёндашувни тақозо этади. Бўлажак ўқитувчининг чуқур билимга, самарали фаолият юрита олиш маҳоратига эга бўлиши маълум фан асослари борасида унда етарли назарий ҳамда амалий билимларнинг, таълим жараёнида янгиликлардан унумли фойдаланиш малакасининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқдир.

Маълумки, бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интилоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарбликдан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда педагогиканинг мустақил соҳаси – педагогик инноватика жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Новаторлик ва янгилик – маданият, таълим ва умумийликда жамият ривожланишининг икки жиҳати. Анъаналар ва янгиликларнинг хилма-хил муносабатларига таяниб, маданиятшунослар жамиятни анъанавий ва замонавийга ажратиб кўрсатишади. Анъанавий жамиятда анъана новаторлик устидан ҳукмронлик қилади. Замонавий жамиятларда эса, новаторлик базали қадрият саналади.

Йигирманчи асрнинг сўнгги йилларида жаҳон миқёсида таълим соҳасида юзага келган қуйидаги “инқироз”ли ҳолатлар “қўллаб-қувватловчи” таълимнинг муқобили сифатида “инновацион” таълимни ривожланишининг асосий сабабларидан бири бўлди. Турли давлатларда унинг хилма-хил шаклда намоён бўлишида қуйидаги умумий жиҳатлар ёрқин намоён бўлмоқда:

1) ижтимоий амалиёт ривожланиши эҳтиёжлари ва олий таълим битирувчиларининг реал тайёргарлик даражасининг ўзаро мослигини таъминлаш;

2) олий таълим муассасаларида янги мақсадларнинг қўйилиши ҳамда бошқарувнинг ташкилий тузилиш ва шаклларининг мураккаблашуви;

3) таълим жараёни субъектларининг қизиқиш ва имкониятларининг ортиши.

1979 йилда “Рим клуби” аъзолари “ўзининг асосида аввал маълум, такрорланувчи вазиятларга тузатиш киритиш учун тақдим этилган метод ва қоидаларни ифода этувчи” таълим тизимини “қўллаб-қувватловчи” таълим деб номлашди. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг муқобили сифатида “инновацион таълим” тушунчаси ҳам қўлланила бошланди.

Инновацион таълимнинг асосий мақсади таълим оловчиларда келажакка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантиришдир. Ж.Боткин бошчилигидаги олимлар гуруҳи “Рим клуби” маърузасида инновацион таълимни анъанавий, яъни “норматив” таълимга муқобил сифатида билимларни эгаллашни асосий тури сифатида тавсифлади. Нормативли таълим “такрорланувчи вазиятларда фаолият хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришга йўналтирилган” бўлса, инновацион таълим янги вазиятларда биргаликда ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантиришни кўзда тутди.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Технология” юнонча сўз бўлиб, “techne” – маҳорат, санъат ва “logos” – тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. “Таълим технологияси” иборасининг маъноси – (инглизча “An educational technology”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур

тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир” (*ЮНЕСКО*).

“Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради” (*М.В.Кларин*).

“Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади”. (*Г.К. Селевко*).

“Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради” (*Б.Т.Лихачев*).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” (*В.П.Беспалько*).

“Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи” (*И.П. Волков*).

“Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси” (*В.М.Шепель*).

“Педагогик технология – ўқувжараёнини технологиялаштириб, унингқайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён барқарорлигини ошириб, бу жараён иштирокчисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”. (*В.М.Манахов*).

“Педагогик технология -тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини кулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив

баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир”.  
(*М.О.Очилов*).

“Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни” (*Н.Саидахмедов*).

“Педагогик технология бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир” (*Ў.Қ.Толипов*).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади. Мазкур жараёнда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- *тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси*: таълим олувчиларнинг таълим жараёнидаги хатти-ҳаракатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши кутиладиган хатти-ҳаракатларга тўла москелади;

- *ўхшаши амалиёт қоидаси*: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган хатти-ҳаракатларини ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳиятан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;

- *натижаларни аниқлаш қоидаси*: таълим олувчига унинг ҳар бир хатти-ҳаракатининг мазмунини баҳолаш натижалари бўйича маълумот бериш, мазкур шартга аксарият ҳолларда жорий назоратни ташкил қилиш жараёнида риоя этилади;

- *рағбатлантириши қоидаси*: талабанинг мақбул хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб бориш, педагогик фаолият жараёнида талаба томонидан

содир этилган салбий хатти-ҳаракатлар учун унга танбех берилмайди, балки уларни бартараф этиш истагини юзага келтирувчи амалий кўрсатма берилади. Масалан, “яна бир марта уриниб кўр”, “янада чуқурроқ ўйлаб кўр”, “масалани ҳал этишнинг янада осонроқ йўли бор, уни топишга уриниб кўр” ва ҳакозолар.

Таълим амалиётида “педагогик технология” тушунчаси уч даражада қўлланилади:

*Умумпедагогик (макро) даража.* Мазкур даражага мувофиқ келадиган технологиялар яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, таълим тизимининг барча турларида қўллаш имконини беради.

*Хусусий-методик (мезо) даража.* Ушбу даража ўзида маълум бир ўқув фани, алоҳида таълим олувчилар гуруҳи, маълум ихтисосликка мансуб педагогларга йўналганликни акс эттиради.

*Локал даража (микро).* Мазкур даражага тегишли технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, махсус ўқув кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қилади.

Реал таълим амалиёти илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг жорий этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилишинитўлиқ тасдиқламоқда. Бироқ илғор педагогик технологияларни олий таълим жараёнига қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам кўзга яққол ташланмоқдаки, уларни эътиборга олиш ва ҳал этиш таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Бундай долзарб муаммолар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) олий таълимда қўллаш учун мўлжалланган интерфаол методлар таснифи ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб берувчи ўқув-услубий қўлланмаларнинг етарли эмаслиги. Гарчи республикамизда педагогик технологияга доир қатор ўқув қўлланмалар яратилган бўлишига қарамасдан, бинолар, ҳатто шаҳарлар ва посёлкаларни лойиҳалаш, қуриш – бу ижоднинг қурилиш ва меъморчиликдаги кўринишларидир.



Бадий ижоднинг турлари жуда хилма-хилдир. Бастакорнинг ижоди – бу янги муסיқа-кўшиқлар, симфониялар, опералар ва ҳоказолар яратиш демакдир. Ёзувчи, шоир, драматургнинг ижоди – бу талант билан ёзилган киссалар, романлар, ҳикоялар, дostonлар, шеърлар, пьесалардир. Рассом ва ҳайкалтарошнинг ижоди – бу ажойиб расмлар, фрескалар, офортлар, ҳайкаллар, барельефлар ва ҳоказолардир. Актёрнинг ижоди – бу театрда, кинода, телевиденида маромига етказиб ўйналган ролдир.

Инсоннинг фаолияти бир қолинга тушиб қолган, бир ёклама хусусият касб этган жойда ижодга ўрин ҳам бўлмайди. Инсон ўз ишига, ўз касбига бутун қалбни, истеъдодини, қобилиятни бахш этган, одамларга имкон қадар кўпроқ фойда келтиришга интиланган жойда эса, аксинча, ижодий, норасмий, илҳом билан ёндашиш ҳолларига дуч келамиз. Ижодкор шахс ғайрат-шижоат, билан, баъзан дам олиш ва уйқуни унутиб, ўзи ҳақида, ўзининг фойдаси ва манфаати ҳақида эмас, бошқалар, ўз истеъдоди ва ижодини кимга бахшида этаётган бўлса, ўша одамлар ҳақида ўйлаб ижод қилади.

Инсоннинг табиатини билиш жараёнида, билувчи субъект табиатнинг жозибали, сирли, жумбоқли баъзан ҳатто хавfli кучлари билан яккама-якка қолганида одамларнинг ижодий қобилиятлари, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Билиш жараёнидаги ижодда инсоннинг барча маънавий кучлари: онг, ақл-идрок, тассавур, фантазиялар, хотира, интуиция, соғлом фикр ва ҳаётий тажриба бевосита фаол иштирок этади.

Билиш жараёнидаги ижодда одамларнинг қобилияти, истеъдоди, ҳатто даҳоси ёрқин намоён бўлади. Янги билим олиш жараёнининг ўзи ҳам, билиш фаолиятининг натижаларини мушоҳада қилиш, теран ва аниқ тушуниб етиш ҳам ижодий жараёндир.

Олимлар ва тадқиқотчилар ўз илмий ижодида жуда кўп илмий тадқиқот методларидан фойдаланади. Метод – бу билимга эришиш усули, олимнинг маълумот тарзда тартибга солинган, онгли ва изчил фаолиятидир. Грекчадан сўзма-сўз таржима “метод” бирор нарсага олиб борадиган йўлни англатади. Метод билиш усули сифатида ўрганилаётган объектнинг

жихатлари ва хоссаларини лабораторияда, илмий тадқиқот мосламасида, шунингдек, тадқиқотчининг миёсида акс эттириш усулидир. Илмий билишнинг эпистемологияси ва методологияси илмий билишнинг зарур шарти сифатида илмий асосланган методлардан тадқиқотчилик фаолиятида онгли равишда фойдаланишга хизмат қилади.

Методология – бу фанда фойдаланадиган билиш воситалари, усулларининг мажмуи, шунингдек, фаннинг ижодий билиш ва амалий-ўзгартириш фаолиятини ташкил этиш воситалари, шарт-шароитлари ва принципларини ўрганувчи илмий-фалсафий билим соҳасидир. Илмий билиш объектив воқелик олами механика, физика, астрология, кимё, биология, ижтимоий билиш қонунлари кўринишида ижодий яратади.

Фан методологияси ва мантиғи янги билим олиш шартлари ва усуллари ўрланади. Фан методологияси (эпистемологияси) – бу янги билим тузиш принциплари ва бундай билимни олиш усулларининг фалсафий анализи, илмий билишнинг умумий ва махсус методлари тизимидир. Фан методологияси илмий ижод учун зарур бўлган илмий билиш аппарати, механизмнинг асосларини ишлаб чиқаришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Фан методологияси ва эпистемологияси у ёки бу жамиятдаги дунёқараш, фаннинг гносеологик, этик, ҳатто эстетик қоидалари ва анъаналари асосларига қурилади. Бу жараёнларни мусиқа санъати ва мусиқий психологияси мисолида таҳлил этамиз.

*Мусиқий ижод психологияси.* Бу, асосан, бастакор ва композиторларнинг ҳаёл, тасаввур, мусиқа яратиш, янги мусиқий асарни дунёга келтириш билан боғлиқ бўлган фаолиятидир. П.И.Чайковский мазкур жараён ва ўша дақиқада пайдо бўлувчи илҳом ҳақида шундай деган эди: «Илҳом келган пайтда, одатдаги ҳолатдан чиқа бошлайсан. Бир фикр бошқа бирини ҳайдамоқчи бўлади. Ноталарни ёзиб улгурмайсан. Янгидан янги мусиқий образлар пайдо бўлади, бу тушунтириб бўлмас илҳом туйғусидир». Композитор нота ёзиш билан бирга асарни тингловчига аниқ этказиб бера оладиган ижрочини ҳам яхши тасаввур қилиши керак.

*Муסיқий ижрочилик психологияси.* Муסיқа санъатидаги асосий фаолиятлардан бири муסיқа ижрочилигидир. Зўр ижрони тинглаб, лаззат, кувонч, илҳом туйғуларини ҳис этамиз ёки Юнонлар айтганидек, «катарсис» – ички, руҳий покланиш ва янгиланиш жараёнини бошдан кечирамиз.

Ижрочи – бастакор, композитор ва тингловчини боғлаб турувчи халқадир. Муסיқий ижрочилик санъатидаги фарқлар муסיқий чолғунинг ўзига хос хусусиятига, яккахон ва оммавий ижрочилик шакли, муסיқий асарнинг жанри ва шаклий хусусиятига, қолаверса, биринчи ўринда ижодий индивидуаллик, ижрочининг профессионал тайёргарлик ва маҳорат даражасига боғлиқ. Ижрочи учун тингловчи психологиясини тушуниш ва ҳис этиш, эстетика талаблари ва аудитория кайфиятини тўғри англаш, муаллиф фикрини моҳирлик билан этказиб бериш, аудиторияни ўз иродасига бўйсундириш, тингловчида гўзал эстетик ҳиссиётларни уйғотиш, ижодий кайфият жуда муҳимдир.

*Муסיқий идрок психологияси.* Муסיқани тинглаб идрок этишни ҳам худди муסיқа ёзиш ва ижро этиш каби муסיқа санъатидаги асосий фаолият тури деб ҳисоблаш лозим. Қолаверса, тингловчисиз муסיқа санъати ўз маъносини йўқотади ва яшашдан тўхтади. Муסיқа тинглаш ва уни идрок этиш муסיқа фаолиятининг шундай турики, у болаликдан тарбияланади ва сингдириб борилади. Айтишларича, муסיқани барча эшитади, бироқ уни ҳамма ҳам тинглаб идрок эта олмайди<sup>22</sup>.

Муסיқани тинглаш жараёнида идрок этиш даражаси тингловчининг умумий маданияти ва муסיқий тайёргарлик даражасига боғлиқ, унга тўғри пропорционалдир. Муסיқий асарнинг тўлиқ ва чуқур идрок этилиши, шунингдек, композитор ва ижрочи маҳоратидан ҳам далолат беради. Ана шу тарзда, тинглаш жараёни тингловчининг тарбияси, индивидуал қобилиятлари ва тайёргарлиги билан ажралмас ҳолат деб хулоса қилиш мумкин.

---

<sup>22</sup>Қодиров Р. Муסיқа психологияси. – Тошкент: Муסיқа, 2005. – Б. 23.

*Музиқий таълим, тарбия психологияси.* Музиқа психологиясининг мазкур тармоғи психология йўриқларига асосланади, ўқувчилар билан ишлашнинг аниқ усуллари топишга ёрдам беради. Бу тармок ўқувчиларнинг табиий хусусиятларини, қобилиятларини тўғри йўналтирувчи ва музиқий қобилиятни ривожлантиришга имкон берувчи музиқа педагогикасига узвий боғлиқдир. Музиқани эшитиш қобилияти, музиқий хотира, ритмни аниқлаш, текшириш каби анъанавий усуллар билан бир каторда музиқа психологиясида музиқий зеҳн, истеъдод, қобилиятларни аниқлаш, асарни ўрганиш ва унинг устида ишлаш, концертда чиқиш учун тайёргарлик кўриш, ўқувчилар ва концерт жамоаси билан ўзаро муносабатлар ва бошқалар Юзасидан тестлар ишлаб чиқилган. (Тестлар илова қилинади)

Тарихдан биламизки, кўплаб машҳур музиқачилар устозлари олдида ўзларини қарздор деб биладилар. Касб тажрибаси тараққий этиб, бойитилиб, муттасил авлоддан-авлодга ўтиб келган. Шарқда кенг тарқалган «устоз-шогирд» мактаби бунинг ёрқин мисолидир. Унга кўра, «шогирд» нафақат ўқитувчининг сабоғини олган, балки унинг уйида яшаб, музиқа санъати сирларини оилавий-маиший психология билан биргаликда эгаллаган. Кейин эса, ўқувчи маълум бир камолот даражасига этгач, ўзи ҳам шунга ўхшаш «устозлар мактаби»ни ташкил этган. Бу мактаб вакиллари кўпинча катта уюшма сифатида бирлашиб, оммавий-маданий тадбирлар ва бошқа байрамларни ўтказишган.

Музиқий таълим ва тарбия психологияси икки йўналишда ўрганилади: бу махсус музиқа таълими ва умумий музиқий тарбия йўналишларидир.

*Музиқашунослик, музиқа тарғиботи ва музиқий маърифат психологияси.* Музиқашунослик ва музиқий маърифий фаолиятмузиқа санъатини ўрганиш ва тарғиб этишга йўналтирилган. Музиқа тарихчилари, танқидчилари, назариётчилари, тарғиботчилари, музиқа маърифати билан шуғулланувчилар музиқа ҳақидаги фанларни ўрганишади, таҳлил қилишади, бойитишади, ривожлантиришади ҳамда клуб, истироҳат боғлари, дам олиш

уйлари, радио, телевидениэ, матбуот ва бошқа жойларда омма ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб боришади<sup>23</sup>.

Мустаҳкам пойдеворга таянадиган мусиқий ижрочилик ва ижодкорлик санъатни мукаммаллаштиради. Мусиқий маърифат эса тингловчилар аудиториясини санъат, жаҳон мусиқа маданиятининг дурдоналари ва Ютуқлари билан таништиради. Мусиқа психологиясида мусиқашуноснинг интеллектуал ва фикрлаш фаолиятини ҳамда бастакор, композитор, ижрочи, тингловчи ўзаро муносабатларининг психологик хусусиятларини ўрганишга муҳим ўрин ажратилади.

*Мусиқа санъатининг техник таъминоти ва техник жиҳозланиши психологияси.* Бу яна бир фаолият тури бўлиб, замонавий мусиқа санъатини усиз тасаввур этиб бўлмайди. Мусиқа санъатининг техник таъминоти ва техник жиҳозлаш соҳасидаги мутахассислар махсус техник билимлар билан бир қаторда мусиқий билим, мусиқа чолғуларини яшаш, таъмирлаш, созлаш, мусиқа ёзиш ва эшитиш мосламалари билан ишлашда керак бўладиган билим ва кўникмалардан, мусиқавий спектакллар, концертлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар постановкаси ва режиссурасидан хабардор бўлиши керак. Замонавий мусиқа санъати техникага, янги технологияларга тобора кўпроқ таяниб бормоқда. Бу техника билан ҳам, ижодий, ижрочилик, тингловчилик фаолияти билан ҳам боғланиб кетадиган мутлақо бошқа бир психологиядир.

*Функционал мусиқа психологияси.* Амалий мақсадда мусиқадан фойдаланишни функционал мусиқа деб аталувчи йўналишда кўрамиз. Унинг ёрдамида кундалик маиший ҳаётга эстетика бахш этилади, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида бу турдаги мусиқа меҳнат самарадорлигини ошириш учун меҳнат жараёнининг жадал суръатларда олиб борилишини таъминлайди. Меҳнат жараёнида мусиқадан фойдаланиш иш куни давомида асабий-руҳий ҳолатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ ўз қонуниятларига эга. Бунда

---

<sup>23</sup>Қодиров Р. Мусиқа психологияси. – Тошкент: Мусиқа, 2005. – Б. 32.

меҳнат жараёни учун керакли ритмни ўрнатиш, иш самарадорлигини ошириш, ортиб борадиган чарчокни чиқариш каби ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга кўмаклашувчи мусиқани танлаш катта аҳамиятга эга.

*Мусиқий психотерапия психологияси.* Соғломлаштириш мақсадида фойдаланиладиган мусиқа мусиқий психотерапияда ўрганилади. Бунинг учун тинглаш ва ижод қилишга мўлжалланган мусиқа тавсия этилади. Бизда мусиқа психологиясининг мазкур соҳаси деярли ўрганилмаган, негаки у ҳам медисина, ҳам мусиқа соҳалари бўйича жиддий билимга эга бўлишни тақозо этади.

Бироқ буюк мутаффакир-олим Ибн Сино тадқиқотларида бу соҳадаги изланишларни кўришимиз мумкин. Мусиқанинг инсон саломатлиги, эмоционал ҳолатига таъсир этиш имконияти, мусиқани тинглаш ва ижро этиш жараёнидаги чуқур мусиқий кечинмаларнинг ижобий таъсири - тиббиётда ҳам, мусиқада ҳам илмий изланишлар олиб бориш учун муҳим асосдир<sup>24</sup>.

*Мусиқачи шахси ва фаолияти хусусиятлари.* Санъат усталари шахсининг хусусиятларини одатда рус тилида «т» ҳарфи билан бошланадиган бешта сўзга боғлашади. Булар: «талант» – истеъдод, «творчество» – ижод, «трудолюбие» – меҳнатсеварлик, «терпение» – сабр, «требовательность» – талабчанлик. Бу эрда мусиқачининг истеъдоди катта аҳамиятга эга. Масалан, ёш Моцарт Ватиканда хор ижросидаги мураккаб асарни (Италия композитори Григорио Аллегрининг «Мизерере») атиги икки мартаба эшитиб, икки кундан сўнг ўз хотирасида сақлаб қолган ўша тўлиқ партитуранинг қўлёзмасини Рим Папасига топширган.

Машҳур италян дирижёри Артуро Тосканини деярли бутун концерт репертуарини ёддан дирижёрлик қилган. Айни пайтда у ўн йил аввал ёдлаган асарини ҳам эсда сақлаган. Ференц Лист мураккаб асарларни концертга

---

<sup>24</sup>Қодиров Р. Мусиқа психологияси. – Тошкент: Мусиқа, 2005. – Б. 38.

аравада кетаётиб ёдлай олган. Бу мисолларнинг барчаси шахснинг муסיкий хотира деб аталувчи психологик хусусиятига боғлиқ.

Катта созанданинг шахси доимо кўпқиррали. Бунга фанни ҳам, санъатни ҳам бирдек тушуна оладиган Ўрта Шарқнинг қомусий олимлари яққол мисолдир. Масалан, муסיқа санъатида Форобий ҳам назариётчи, ҳам муסיқа чолғуларининг ажойиб ижрочиси бўлган.

Муסיқачи шахсининг серқирралиги ҳақида немис дирижёри Бруно Вальтер шундай деган: «Фақат созанда – бу ҳар доим ярим созанда».

Муסיқачининг меҳнатсеварлиги ҳақида П.И.Чайковский: «Энг кераги, аввало, меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат... Мен ҳар куни эрталаб ижодга ўтириб, то бирор нарса чиқмагунча ишлайвераман», деган эди. Машҳур пианиночи ва педагог М.Клементи саккиз, баъзан ўн икки ва ҳатто ўн тўрт соатлаб меҳнат қилган. С.В.Рахманинов ёшлигида, соғлиғи жойидалигида «ҳаддан ташқари ялқовлиги билан ажралиб турганлиги»дан афсусланган, кейин эса, саломатлиги заифлашиб қолганда фақат иш ҳақида ўйлаган.

Созанда шахсининг бош мақсади ҳақида Ф.Лист ўқувчиларига шундай деган: «Агар катта муסיқачи бўлишни истасанг, унда катта одам бўлишга ҳаракат қилишинг керак бўлади».

*Муסיқа санъатида билим олиш жараёнлари: Диққат.* Инсон фаолиятининг бошқа турларида бўлгани каби, муסיқа санъатида диққат инсоннинг барча сенсор (ҳиссий), интеллектуал (ақлий), ҳаракатга келтирувчи жараёнлардаги фаолият самарадорлигининг муҳим ва зарур шартидир.

*Диққат* –маълум пайтда фаолиятнинг бир нарсага қаратилишидир.

Асосан икки тур: ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққат мавжуд. Лекин яна бир ўзига хос турни ҳам ажратиш мумкин – у ихтиёрий диққатдан кейин келиб, узоқ муддат давом этиши билан характерланади. Бу анча тигиз ва самарали ақлий фаолият бўлиб, барча турдаги меҳнатга Юқори самарадорлик бағишлайди.

Муסיқа санъатида муסיкий фаолиятнинг барча турлари диққат билан боғлиқдир. Айниқса, оммавий ижрочиликда диққат жуда муҳим. Намойишдан аввал дирижёрнинг кўтарилган кўллари, *ауфтакт*, *яккахон ва жўрнавоз* ўртасидаги ишора ва ҳаракатлар – буларнинг ҳаммаси муסיқа терминологиясида диққат деб аталади.

Замонавий психологияда диққат таркибида унинг сифат хусусиятлари ўрганилади. Бунга диққат барқарорлиги, кўчиши, тақсимланиши ва ҳажми киради. Шунингдек, бу санокка диққат парокандалигини, бузилишини ҳам киритиш мумкин.

Диққат – бу ўқув жараёнидаги энг муҳим таркибий бўлаклардан биридир. Барча буюк муסיқачилар фавқулудда диққат эгаси бўлган. Масалан, Мосарт кўпчилик бўлган хонада ҳамда бегона овозлар эшитилиб турганда ҳам хотиржамлик билан муסיқа ёза олган. Польшалик пианиночи ва композитор И.Гофман мақсадга мувофиқ ягона иш услуби ҳақидаги саволга: диққатни жамлаш – омад алифбосидаги биринчи ҳарф, деб жавоб берган. Рус композитори ва пианиночиси Н.Метнер бўлса: «Иш бошлашдан аввал яхшилаб диққатни жамлаш ҳамда нима ва қандай қилишни билиш зарур, шунда муסיқачи камроқ толиқади ва чарчайди», - деган эди<sup>25</sup>.

*Сезги* – нарса ва ҳодисаларни сезги аъзолари орқали ҳис қилишнинг оддий психик жараёнидир. Сезги органлари билан мувофиқ тарзда сезгининг кўриш, эшитиш, ҳид, таъм, тери, мушакларни ҳаракатга келтирувчи ва органик сезги турлари мавжуд. Муסיқа санъатида эшитиш, тактил (пайпаслаб), яъни кўл тегизиб ҳис этиш, ҳаракат ва ритмик сезгилар катта аҳамиятга эга. Хонандалар, дамли (пуфлама) ва торли муסיқа чолғулари созандалари учун овозга ўзига хос тўлалик ва оҳанг бўёқдорлигини таъминловчи вибрсион сезги ҳам катта аҳамиятга эга. Сезги қонуниятига уларнинг сифати, тезлиги, давомийлиги ва фазовий локализасия каби хусусиятларини ҳам киритиш мумкин. Эшитиш сезгиси асосида

---

<sup>25</sup>Қодиров Р. Муסיқа психологияси. – Тошкент: Муסיқа, 2005. – Б. 42.



мусиқачиларда ички эшитиш ва мусиқий эшитиш хусусиятлари ривожланади. Бизнинг анализаторларимиз мослашувчанлик қобилиятига эга, яъни кўзғатувчи таъсирга кўника олади. Узоқ муддат баланд овоздаги мусиқани тинглагандан сўнг биз «пиано» ёки «мессо-форте» овоз кучидаги нозик ўзгаришларни кам ҳис этамиз. Узоқ вақт сукунатда бўлгач эса, биз хатто ўрта кучдаги овозни ҳам баланд овоздек қабул қиламиз. Масалан, Шопен куйни ҳеч қачон баланд чалмаган. Лекин у пиано, пианиссимо, мессо-форте бобида тенгсиз ижрочилиги ҳисобига оҳангдорликка эришган.

Сезгиларнинг ўзаро таъсири асосан икки: сенсбилизация ва синестезия жараёнида содир бўлади. Ўзаро таъсир жараёнида бир анализатордаги сезувчанликнинг ортиб кетиши «сенсбилизация» деб аталади. Масалан, агар балет мусиқасини радио орқали эмас, театрда эшитсак у яхшироқ ва тўлиқроқ қабул қилинади, яъни кўриш ва эшитиш анализаторларининг уйғунлашиши қабул қилиш жараёнини янада бойитади.

Синестезияга шундай сезгиларнинг ўзаро таъсири кирадики, уларда кўзғалиш таъсири остида бир анализатордан бошқа бир анализаторга хос бўлган сезги пайдо бўлади. «Нозик дид», «қичиқ ранг», «ширин товуш» каби иборалар бундан далолат беради. Кўриш-эшитиш синестезияси ҳодисаси нисбатан кўпроқ учрайдики, у рангли эшитиш феномени сифатида машҳурдир. Бундай эшитиш тури Римский-Корсаков, Скрябин, Чюрленисда бўлган.

*Эшитиш сезгиси.* Мусиқа санъатида эшитиш сезгиси асосий ҳисобланади. Мусиқий эшитиш қобилияти –мусиқани тўла-тўқис қабул қила олиш қобилиятидир. Физиологик жиҳатдан эшитиш – бу эшитиш органлари орқали товуш тебранишларини қабул қилишдир. Товушлар ташқи кулоқ орқали эшитиш нервлари (3000 та атрофида деб ҳисобланади, битта октавага 300-400 та тўғри келади) воситасида ўрта ва ички кулоқдан ўтиб, бош миядаги эшитиш анализаторларига этиб боради. Шунингдек, анализаторлар айрим мусиқа чолғуларининг чалиниши (скрипка, альт, дамли чолғулар), фф

да овоз чиқариш ва одамнинг гапириши ва куйлаши жараёнида бош мия суягининг тебраниши орқали ҳам овоз қабул қилади<sup>26</sup>.

Куйни, бир овозликни ҳис этиш. Айнан куйни, бир овозликни ҳис қилиш туфайли хоҳ рояль, хоҳ карнай ёки дуторда ижро этилган куйни биз таниб оламиз. Бу қобилият интервал ва лад ҳиссини ўз ичига олади. Мусиқий эшитиш қобилиятини ривожлантириш бўйича *сольфеджиолаш* жараёнида интервал ҳиссига эмас, балки лад ҳиссига кўпроқ таяниб мўлжал олишади. Лад ҳисси негизида венгриялик композитор ва педагог Золтан Кодайнинг куй ҳиссини ривожлантириш тизими яратилган. Бу тизим «нисбий (релятив) лад сольмизасияси тизими» деб ном олган (тизимда турли белгилар ва бўғин номлари қўлланади).

Куйни, бир овозликни ҳис қилиш қобилияти кўпроқ ашулачилар, торли ва пуфлаб чалинадиган чолғу созандаларида осон ва табиий ривожланади. Фортепиано чалишни ўрганишда услубиётчилар машқ этилаётган асар куй йўллариининг вокализасиясини, куйланишини ёки уларни бўрттириб чалишни тавсия этадилар.

Полифонияни ҳис этиш. Мусиқий эшитиш қобилиятининг бу тури тарбияси бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ овознинг мусиқа тўқимасидаги ҳаракатини эшита олиш қобилиятига боғлиқ. Мумтоз полифонияни эшитиш қобилияти мусиқачига жамоавий ижрода бошқа партияларни эшитишга ёрдам беради. Масалан, у пианиночига асосий куйдан ташқари бошқа барча фактура унсурларини – бас ҳаракати, жўровозни, полифоник асарда эса нафақат Юқори овозлар, балки қолган барча овозларни эшитиш имконини беради.

Гармонияни ҳис этиш. Гармонияни эшитиш қобилияти - товушлар мувофиқлигига (интервал ва аккордларга) таянувчи мусиқий ҳисдир (Б. Тепловга кўра). Агар полифоник ҳис ва унинг ривожланиши мусиқани горизонтал бўйича эшитиш қобилиятига боғлиқ бўлса, гармоник сезги

---

<sup>26</sup>Қодиров Р. Мусиқа психологияси. – Тошкент: Мусиқа, 2005. – Б. 46.

товушларни вертикал бўйича эшита олиш қобилиятига алоқадор бўлиб, пианиночиларда яхшироқ ривожланади. Пианиночи асарнинг туб гармоник маъносига қанча этиб борса, – дейди атоқли пианиночи Лев Оборин, – унинг ижроси шу қадар руҳий чуқурлашади. Бу сўзлар бошқа барча мусиқа мутахассисларига ҳам тааллуқлидир.

Тембр-динамикани ҳис этиш. Тембр – бу товушлар бўёқдорлиги. Динамика – товуш кучи. Товуш динамикаси, яъни унинг жаранглаш кучи тўғридан–тўғри тембр билан боғланган. Ижро бўёқдорлигига мусиқа чолғусининг тембр имкониятларидан фойдалана олиш ҳисобига эришилади. Улар эса, ўз навбатида, мусиқачи-ижрочининг ўз қўлида бўлган кичик динамик градасияларга боғлиқ. Тембр ҳисси турли мусиқа чолғуларининг жарангланишини мунтазам эшитувчи оркестр созандаларида яхши ривожланган бўлади. Симфоник оркестр ўзининг йигирмадан ортиқ турдаги мусиқа чолғулари билан биргаликда бой ранг-баранг овоз палитрасини қамраб олади. Мусиқачининг касб малакаси кўп жиҳатдан тембр-динамик ҳис ривожланганлиги, унинг аниқ ва тиниқлигига боғлиқ бўлади.

*Идрок* – нарсалар ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали онгимизда этишидир. Психологияда идрок предметлилик, яхлитлик, структуралилик, барқарорлик, анланган бўлиши каби ўзига хос жиҳатларга ажратилади. Сезгида предметнинг алоҳида қисмлари, идрокда предметнинг барча таркибий қисмлари бир бутунликда ҳис қилинади. Масалан, мусиқий асарни эшитиб, биз унинг куйи, ритми, тембри, гармониясини алоҳида қабул қилмаймиз, аксинча, бу мусиқани образли, умумлашган ҳолда яхлитлигича англаб, идрок этамиз.

«Мусиқа энциклопедияси»да мусиқий идрок мусиқанинг инсон туйғуларида айнан мувофиқ равишда акс этиши ва мусиқий материални шахсан идрок этиш (перцепция) ҳамда инсоннинг мусиқий ва ҳаётий тажрибалари (апперцепция), билими, эмоционал кечинмалари ва асар қийматини бирлаштиришга йўналтирилган мураккаб фаолият эканлиги кўрсатилган.

*Хотира* – эслаб қолиш, тўпланган тажрибанинг сақланиши ва тикланишидир. Шунингдек, хотиранинг унутиш хусусиятини ҳам назарда тутиш керак. Бу жараён тўқималар ва уларнинг хоссаларининг биохимик ўзгаришлари билан бирга амалга ошади. ДНК-генетик, авлоддан-авлодга ўтувчи хотира ташувчиси, РНК эса онтогоник, индивидуал ва ҳаётий хотира асоси эканлиги олимлар томонидан аниқланган.

Хотирани уч турга бўлиш мумкин: 1) фаолият билан боғлиқ–ҳаракат, эмоционал-образли ва оғзаки-мантикий хотира, 2) хусусиятга кўра – ихтиёрий ва ихтиёрсиз, 3) вақтга кўра – қисқа муддатли, узок муддатли ва оператив хотира. Хотира машқи муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, мусиқа санъатида баъзан турли ҳамда катта ҳажмдаги мусикий асарларини эслаб қолишга тўғри келади. Яхши мусикий хотира – бу мусикий асарнинг тезда ва узок муддатга ёдда сақланиб қолишидир<sup>27</sup>.

*Тафаккур* – киши онгида борлиқнинг унинг таҳлили ва синтези билан акс этиш жараёнидир. Тафаккур ҳиссий билиш (ҳис этиш, идрок этиш) воситасида ва унинг чегараларидан чиққан ҳолда амалий фаолият асосида Юзага келади. Тафаккур аниқ билимлар, далилларга суянади, таҳлил қилади, қиёслайди, умумлаштиради, хулосалар чиқаради.

Тафаккур муаммоларини илмий, фалсафий ўрганиш билан билиш назарияси – гносеология шуғулланади. Тафаккурни икки фан мантиқ ва психология тадқиқ этади. Мантиқда тафаккурнинг мантикий шакллари ўрганилади – тушунчалар, фикрлар, хулоса чиқаришлар.

Умумий психологияда тафаккурнинг қуйидаги турлари тавсифланади: кўрғазмали-ҳаракатли, кўрғазмали-образли ва абстракт, мавҳум (умумий, назарий). Мустақиллик, ўзига хослик, кенглик, ихчамлик, тезлик кабилар тафаккурнинг индивидуал ўзига хос жиҳатларидир.

Мусикий тафаккур мусикий ҳис, мусикий идрок асосида пайдо бўлади ва овозли, мусикий, бадиий образларга таянади. Мусикий тафаккур –

---

<sup>27</sup>Қодиров Р. Мусиқа психологияси. – Тошкент: Мусиқа, 2005. – Б. 56.

музикий маданият ўзига хослиги, қонуниятларини билишнинг спесифик, интеллектуал жараёни ва музикий санъат асарини тушунишдир. Музикий тафаккурнинг ўзига хослиги музикий қобилиятнинг ривожланганлигига, шунингдек, инсон яшаб тарбияланаётган музикий муҳит шарт-шароитига боғлиқ. Шарқ ва Ғарб музикий маданиятлари орасидаги тафовутларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кўпчилик муסיқачи-педагогларнинг фикрича, замонавий муסיқа таълимида иштирокчиларнинг профессионал ижрочилик қобилиятлари, машқи устунлик қилади, бунда эса бойитувчи ва назарий сифатларга эга билимларнинг тўпланиб бориши жуда секин кечади. Музикий тафаккурнинг ривожланишига фаол кўмаклашувчи музикий ва умумий интеллектуал дунёқарашни кенгайтириш ёш муסיқачининг доимий иши бўлиши лозим, негаки бу унинг касбий имкониятларини оширади.

*Хаёл, тасаввур ёки фантазия* – янгилик яратувчи кишининг руҳий, ижодий фаолияти натижасидир. Хаёл, тасаввур, фантазия қобилияти инсон мия фаолиятидаги олий фикрлаш жараёнларининг энг ажойибидир. Тасаввурли образ яратиш, Юзага келадиган масалаларни ҳал этиш, ҳатто керакли ахборот ва билим тўлиқлиги бўлмаса ҳам, келажакни кўра олиш имконини беради. Масаланинг бундай ҳал этилишидаги камчилик шундаки, тасаввурлар доим ҳам этарлича аниқ бўлавермайди.

Умумий психологияда тасаввурнинг қуйидаги: фаол ва суи кўринишлари ажратиб кўрсатилади. Суи тасаввурлар: атайин – хаёл, орзу ва беҳос – туш, галлюцинация.

Фаол тасаввурлар: яратувчанлик – тасвирга мос образ яратиш ва ижодкорлик – мустиқил ҳолда янги образ яратиш.

Мустиқа санъатида хаёл, тасаввур, фантазия фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Мустикий ифода воситаси фаол тасаввур ва унинг яратувчилик ва ижодкорлик хусусиятлари туфайли онгимизда бадий образлар яратилишига ёрдам беради.

Тасаввурнинг фаоллиги, унинг ижодкорлик хусусияти композитор, ижрочи фаолиятида, уларнинг янги мусиқий бадий образлар яратишида этакчи роль ўйнайди. Хаёл, тасаввур, фантазия мусиқа санъатига шу қадар яқинки, ҳатто айнан «фантазия», «хаёллар», «орзулар» деб аталган кўпгина мусиқий асарлар мавжуд.

Хаёл нафақат фикрлаш фаолиятида турли образлар яратади, балки инсондаги органик жараёнларга ҳам кучли таъсир этади. Масалан, ўқитувчининг ўқувчига қўйган нотўғри баҳоси ёки шифокорнинг янглиш ташхиси қандай оқибатларга олиб келишини биламиз. Биринчи ҳолатда норасолик комплекси ривожланиб кетиши, икинчисида эса бемор унда умуман бўлмаган касалликлар билан касалланиши мумкин (бошқа мисоллар: ўзини ишонтириш, аутотренинг, гипноз, идеомотор актлар, бионурлар).

Мусиқий асар айнан уч кўринишда мавжуд бўлади: композитор томонидан ёзилган нота матни, бу ёзув асосида ижрочи томонидан яратилган жонли ижро, мусиқадаги бадий образларнинг тингловчи ҳаётий тажрибаси билан ўзаро таъсири (яратиш, ижро этиш, тинглаш – Б.В.Асафьевга кўра). Бу фаолият турларининг барчаси – мусиқа яратиш, уни ижро этиш, қабул қилишда – сифатли мусиқий фаолиятни таъминловчи тасаввур образлари албатта иштирок этади<sup>28</sup>.

Мусиқий асарни ярата туриб композитор хаёлий овозларга таянади, уларни ривожлантириш мантиғини ўйлаб чиқади, мусиқа яратиш жараёнидаги ҳиссиёт ва фикрларни энг яхши ҳолатда этказиб берувчи оҳангларни танлайди.

Мусиқа психологияси – психологиянинг шундай соҳасики, у мусиқавий эшитиш қобилияти, эшитиш сезгисининг чегаралари, мусиқанинг лад, ритмикасини ҳис қилиш, созни тактил (пайпаслаб) сезиш, мусиқанинг англаниши, ёдда сақланиши, ижро этилиши ва ундан баҳраманд бўлиш каби масалани қамраб олади.

---

<sup>28</sup>Қодиров Р. Мусиқа психологияси. – Тошкент: Мусиқа, 2005. – Б. 58.

## ***2.2. Ижодкор шахсларни шахсий сифатларини ривожлантиришининг самарадорлик даражаси***

Музыка тарбияси воситасида ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл ва методлари педагогика олий ўқув юртида шу йўналишда ташкил этилган ҳамда маънавий эстетик-тарбия амал қилинадиган педагогик тизимдир. Мазкур тизимнинг самарадорлиги педагогик тадқиқотнинг натижаларида тўла намоён бўлди. Музыка тарбияси биз танлаган ва иш олиб борган педагогик тизимнинг тарбия воситаси бўлганлиги учун ҳам унинг мазмуни музыка тарбияси хазиначидан саралаб олинган намуналарда ўз исботини топди. Маънавий ва эстетик тарбия мақсадларига амал қилар эканмиз, биз ана шу мақсадга эришиш учун мумкин қадар кўпроқ тарбиявий таъсирга эга бўлган, кўпчиликка манзур турли мавзулардаги кўшиқларни танлаб олдик.

Талабаларни шахсий сифатларини ривожлантириш асосан ўқув машғулотида жараёнида амалга оширилади. Ўқув машғулотида жараёни талабаларни айнан ижодий фикрлашга ўргатиш учун лойиҳалаштирилган бўлсагина, фикр юритиш ривожланиши мумкин.

Бунда албатта ўқитувчидан касбий билим, маҳорат, қобилият талаб этилади. Шунинг учун ўқитувчилик катта санъатдир. Бу санъатга у ёки бу педагог осонгина, ўз-ўзидан эриша олмайди. Ўқитувчининг педагогик маҳорати, асосан синфда аудитория машғулотида яққол кўринади.

Чунки, ўқув машғулотида ўзининг мазмун-моҳиятига кўра педагогнинг асосий ишидир. Таълим жараёнида ўқитувчи билан талаба ўртасида ўзаро жонли тил мулоқоти фикр алмашинув муносабатларида самимий ҳурмат ва асосий мақсадга эришишда яқин ҳамкорлик лозим.

Бунинг учун педагог аввало талабаларда ўқишга бўлган қизиқиш уйғота олиши талаб этилади. Педагог талабаларнинг ўқишга бўлган қизиқишларини шакллантиришда турли усуллардан фойдалана олиш керак.

Тадқиқот натижасига кўра ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришнинг қуйидаги усулларини тавсия этамиз:

✓ Педагог ўқитишда ривожлантирувчи методлардан унумли фойдаланиш;

✓ Дарс фаолиятида ноанъанавий усулларни қўллаш;

✓ Дарсда муаммоли ўқитиш ва илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш;

✓ Дарс сифатини юқори даражада кўтаришга эришишда дидактик категориялар бўйича таҳлил қилишни ўрганиш.

Дарс жараёнида талабалар билим фаолиятини бошқариш бир неча омилларга боғлиқ. Уларнинг энг асосийларидан бири талабаларни ўз фанига қизиқтира олишдир.

Олимлар таъкидлаганидек, қизиқишигина психик жараёнлар ва уларнинг идрок, диққат, хотира ва ирода каби функцияларига ижобий таъсир кўрсатади. Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг билишга оид қизиқишлари кўп қиррали қиёфаларда намоён бўлади. Жумладан,

– талабанинг ҳаракатчанлиги ва қизиқувчанлиги;

– талабанинг ўқув фаолиятига, шунингдек ўқишга бўлган мотивлари;

– талаба шахсининг ўзига хос белгилари ва шахсий сифатларининг қарор топиши.

Талаба ёш даврига хос табиий фаоллиги бирор бир ақлий қизиқиш билан қамраб олинмаса уни қайси томон бошлаб кетишни олдиндан айтиш қийин. Шунинг учун ҳам К.Д.Ушинский «зўрлаш ва мажбурлашга асосланган ўқитиш» талабанинг ақлий ривожланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслиги лозимки қизиқишлар ва мотивлар талабалар ўқув фаолиятини шаклланиш даражасига қараб шахсининг шакллантирувчилар талабанинг мантиқий фикри, ўқиш фаолиятини талаба шахси учун аҳамиятли омиллар билан ўзаро мураккаб муносабатларда намоён бўлади.

Хўш талабаларнинг ўқув фаолиятини шакллантириш ва ақлий фаолиятини доимо ривожлантириб бориш учун нима қилиш керак?



Моҳир педагог талабаларда ўқишга бўлган қизиқишларини шакллантиш ва доимий ривожлантириб бориш учун қуйидагиларга амал қилиш муҳимдир.

1) Талабаларни ақлий меҳнатга қизиқишларини ривожлантириш ўқув жараёнини шундай ташкил этилишини таъминлайдики, унда талаба фаол ҳаракат қилади, мустақил изланиш ва янги омилларни «кашф этиш»га, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.

2) Ўқув фаолияти бошқа фаолиятлар каби фақат турлича бўлганидагина қизиқарли бўлади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир усулдаги ҳаракатлар тез орада зерикашни вужудга келтиради.

3) Фанга бўлган қизиқишни шакллантиришда бу фанга ва унинг айрим қисмларини ўрганишини зарурлиги, муҳимлиги ва мақсадга мувофиқлигини талабаларга аниқлаш жуда зарур.

4) Ўқитилган материал олдинги материал билан қанчалик кўпроқ боғлаб тушунтирилса, бу талабага шунчалик қизиқарлироқ туюлади. Ўқув материалларининг талабаларни қизиқтирадиган нарсалар билан боғлаб тушунтириши ҳам уларни дарсга қизиқтиришдан муҳим рол ўйнайди.

5) Ўртача қийинликдаги ўқув материаллари талабаларда қизиқиш уйғотмайди. Ўқув материалларини қийинроқ лекин талабалар кучи етадиган бўлиши керак.

6) Талабалар бажарган ишларини тез-тез текшириш ҳам уларни фанга бўлган қизиқишини уйғотади.

7) Ўқув материалларнинг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқитувчининг завқланиб гапириши ҳам талабага, уни фанга бўлган қизиқишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Илғор ўқитувчилар ўқитиш методларини танлашга алоҳида эътибор берадилар. Талабаларнинг фронтал дифференциаллашган ва яқка тартибдаги фаолиятларини умумий жиҳатлари кўпроқ бўлсада, уларни ташкил этиши ўқитувчилардан ўзига хос ижобий ёндашувни талаб қилади. Айрим ҳолларда ўқишга қизиқтирувчи методлардаги бошқа ҳолларда эса бурч ва

жавобгарликни ҳис этишни рағбатлантирувчи методларга кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади.

Тажрибали ўқитувчилар ўтиладиган мавзунини халқ хўжалиғи масалаларини ҳал этишдаги аҳамиятига оид қизиқарли мисоллар келтирадилар, дидактик ўйинлардан талабалар фаолиятида рағбатлантирувчи турли усуллардан фойдаланадилар. Бунда ўқув саёҳати, кўрик-конкурс каби дарс турларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Талабаларнинг тафаккурини ривожлантиришда маъруза дарсларнинг аҳамияти катта. Тажрибани кўрсатувчи маърузани бошлашдан олдин бу материални ўрганишдан кўзланган аниқ мақсадни таъкидлаш лозим. Бунга ўқитувчи нутқининг савияси муҳим ўрин тутди. Нутқда баён этилган фикрнинг қисмлари ва алоҳида фикрларнинг ўзаро муносабати мантиқийлиги деб юритилади.

Мантиқли нутқда гаплардаги фикрлар бутун нутқдан келиб чиқадиган фикрнинг қисмлари ҳисобланади. Улар орасида зиддият бўлмайди. Ўз ишига жиддий ёндашадиган ўқитувчилар маъруза давомида диалог савол-жавоб, қайтариш, зиддиятли вазиятлар, ўхшатишлар ва бошқа фаолият турларидан унумли фойдаланадилар.

Талабаларга яъни билимни ва қонуниятларни кашф этиш билан боғлиқ бўлган ақлий фаолиятни ривожлантиришда семинар дарслари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Семинар дарсида энг қолоқ талаба ҳам бошқа турдаги дарсида худдай олмайдиган миқдордаги ақлий иш бажарар экан. Қачонки машғулотлар одатдагидан ташқари ноанъанавий усулларда олиб борилсагина. Баъзан у мунозара ёки бу суҳбат шаклида бўлиши мумкин. Лекин ўқув материали аниқ ва ишонарли қилиб баён этилиши лозим. Илғор ўқитувчилар иш тажрибадаги мунозара дарслар ҳам муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Мунозара дарсларини ўтишда жуда катта моҳирлик талаб этади. Бунда энг аввало талабалар фикрларини таққослаш ва уларнинг фикрларидаги қарама-қаршиликларни аниқлаш муҳимдир. Бундай дарс турида таққослаш

орқали талабаларнинг мантикий фикрларини ривожлантириш мумкин. Лекин бу дарс турини ҳар доим ҳам қўллаб бўлмайди.

Биринчидан, ҳамма мавзулар ҳам мунозарабоп эмас;

Иккинчидан, мунозарага тайёргарлик кўриш ўқитувчидан жуда кўп вақт талаб этади.

Талабаларга ижодий фикрни ривожлантиришида муҳим ҳисобланган, яна бир дарс тури бу муаммоли ўқитишдир.

Муаммоли ўқитиш методлари муаммони, вазиятларни юзага келтириб, ўқувчи талабаларнинг муаммони ҳал этиш мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўникмалари ва билимларни фаоллаштиришга асосланган бўлиши фаолиятини тақозо этади. Ўқитувчи муаммоли таълим турида ўқувчи - талабалар ўқув изланиш фаолиятини шундай ташкил этадики, уларнинг диққати юзасидан келган қийинчилик ва камчиликларни ҳал этишга, турли ахборотларни мустақил таҳлил қилишга, ечимини топиш, умумлаштириш ва хулосалар чиқаришда, олган билим ва малакаларни кейинги дуч келадиган вазиятларда қўллаб олишга қаратилган бўлиши лозим.

Демак, бунинг натижасида талабаларда ижодий фикр юритиш, билим олиш, янгидан-янги мақсадларни қўйиш, онгига, фикрлаш йўлларини ўрганиши ҳамда тафаккурни ривожлантириш имконини беради.

Муаммоли дарсларда ўқитувчининг фаолияти мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда муаммоли вазиятни юзага келтириш ва мазкур муаммоли дарс жараёнида самарали фойдаланишдан иборат. Талабаларнинг фаолиятни муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усулларини ўйлаб топиш муаммони таҳлил қилиб тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий мантикий нуқтаи-назардан асослаш, тахминларни текшириш ва хулоса чиқаришдан иборат бўлади.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятни юзага келтиришда бир қатор дидактик мақсадлар ҳам кўзда тутилади яъни:

– ўқувчи талабалар диққати ўқув материалларига тортиш;

- ўқувчи талабаларда фанга нисбатан қизиқиш уйғотиш;
- уларни ўзлаштириш фаолиятини жонлантириш;
- уларнинг олдига ақлий фаолиятини ривожлантирувчи масалаларни қўйиш;
- ўқувчи талабалар ўрганиши мумкин бўлган билимлар етарли даражада эмаслигини далилларга асосланган ҳолда кўрсатиш;
- ўқув материалларини таҳлил этишга ўрганиш;
- ўқитишдаги муаммоларни ҳал этишнинг йўллари топишда уларга кўмак бериш.

Муаммоли таълим ёрдамида талабаларга ўқув муаммолари ва мутахассислик масалаларини ечишда мантиқий ёндашиш мустақил тарзда ўрганиш маҳоратини шакллантиришни тарбиялайди.

Таълим жараёнида муаммоли вазиятлар бир неча турга бўлинади.

1. Ўқувчи-талабалар ўз олдига қўйган масаласининг ечимини топа олмайди.
2. Ўқувчи талабалар олдин эгаллаган билимларини янги шароитда ва вазият қўллай олмайди.
3. Уларнинг муаммоли назарий йўл билан ҳал этиш ва бу танланган усулни амалга оширилиши ўртасида қарама-қаршиликлар юзага келади.
4. Ўқувчи ва талабалар амалда бажарган тапшириқ натижалари ва назарий жиҳатдан тушуниб етганлари ўртасида билимларни етишмаслиги ҳам муаммоли вазиятлар юзага келтиради.

Таълим жараёнида муаммоли ўқитиш самарали мақсадга мувофиқ бўлиши учун уни ўқув жараёнининг бир қисмига айлантириш лозим.

Шундай қилиб, муаммоли таълим ўқувчи талабаларнинг билим тизимлари ва ақлий ҳамда амалий фаолиятларида самарали ёрдам беради ҳамда ўзгартирилган янги билимлардан унумли фойдаланиб мустақил фикрлаш ва изланишга ўргатади. Муаммоли изланувчан ёндашув технологияси ўқув фаолияти учун ўзгача муҳит ҳосил қилади, унга талаба

шахсий кашфиёт, қонуният очиш йўли билан борлиқ ҳақида билим олади. Бундан ўқув жараёни «кашфиёт орқали ўқитиш» деб номланади.

Бугунги кунда талабалар фикрини ривожлантиришда интер фаол усулларнинг ўрни катта. Ана шундай методлардан бири фикрдир.

Танқидий фикр – бу қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрини танқидий қайта идрок этиш ўз нуктаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга асослангандир. Яна бу қоидага киритадиган бўлсак, фикрлаш бу ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва эшитишга ўхшаш жараён у фаол муофиқлаштирувчи шундай жараёнки ўзида бирор ҳақиқат тўғрисида фикрларни камраб олади.

Таълим жараёнида танқидий (тахлилий) фикрлашнинг асосланиши.

- ✓ Талабалар ўртасидаги ўзаро ҳурматни тарбиялайди.
- ✓ Машғулот жараёнида ўқувчи талабанинг ўз тажрибасидан фойдаланилади.
- ✓ Маълум ўқув мазмуни талабанинг талабларига мос ва аниқ тарзда фойдаланилади.
- ✓ Муаммоли ҳал қилишда ўқув материалларидан фойдаланадилар.
- ✓ Ҳар хил фикр ва қарашлар интеграциялашади.
- ✓ Дастлабки шарт-шароитлар қабул қилинади ва текшириб кўрилади.
- ✓ Талабаларнинг мустақил таълим олиши учун шароит яратилади ва уларнинг тайёргарлик даражасига қараб методлар танланади.

Дарс жараёнида талабанинг танқидий (тахлилий) фикрининг шакллантиришнинг уч босқич таъминлайди.

1. Йўлланма (даъват) –бударснинг шундай босқичики, бунда талабалар мавзу бўйича белгилар ҳақида ўйлашга мавзуга доир саволларни беришга ва ўрганиш учун вазифалар қўйишга йўналтиради.

2. Аҳамиятни англаш – бу дарснинг шундай босқичики, бунда талабалар билимларни излайдилар ва ўрганадилар шу билан бирга ўз фаолияти натижасида аҳамиятини англайдилар.

3. Фикрлаш (мулоҳаза қилиш) – дарснингшундай босқичики, бунда талабалар ўзлари тўқнашган фикрларга ва англаб етган маъноларга қайтадилар, шу билан саволлар берадилар. Талқин этадилар, мунозара қиладилар.

Бу босқичда билимлар мустаҳкамланади ва ўрганаётган масала олдинги босқичларига нисбатан тўлароқ шаклланади.

Масалан, ақлий ҳужум усулида у кичик гуруҳлар билан ўтказилади. Унинг мақсади мумкин қадар катта миқдорда ғояларни ечиш талабаларни айнан бир хил фикрлашдан ҳоли қилишдир. Бу усулнинг принципи шундан иборатки унда ғоялар қанчалик кўп бўлса, шунчалик ғоялар ичидан биттасининг муваффақиятли бўлиш имконияти яқиндир.

Ақлий ҳужумда

✓ айтилган гап ҳеч қандай чегараланмаган ҳолда баланд овозда гапирилиши лозим;

✓ ҳар қандай фикрни айтиш мумкин, фикрлар ҳеч қандай мотивсиз вазифага қараб айтилади;

✓ ғоялар танқид қилинганда, уларни муҳокама қилиш фикрлар ва мулоҳазалар тушунча тугагунча давом этади.

Талабаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда тайёр стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қилишга ундаш талабаларни ички ҳиссиётларни юзага чиқариб уларни мантиқий фикрлашга чорлаш, уларни солиштириш, уларда зукколик хислатларини шакллантириш ва маълум йўналишда янада ривожлантириш мақсадида муаммоли услубдан фойдаланилади.

Бу таълим жараёнида ўқитувчи риоя қилиши керак бўладиган асосий принциплар келиб чиқади:

✓ талабада ўз кучига ишониш ҳиссиётини уйғотиш;

✓ талабага ўз вақтида керакли ёрдам бериш.

Ўқитиш услублари ўқув жараёнининг асосий қисмидир. Тегишли услубларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди. Услублар

билимларни узатиш ва қабул қилиш характериға қараб сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалий турларға бўлинади.

Тадқиқот услуби асосида дарс ўтиш дидактив мантиққа талпиниши мумкин. Тадқиқот услуби бошқа методлардан катта фарқ қилади. У талабаларни фикр юритиш юқори даражада бўлиши бор интеллектуал қобилиятларини ишға солишни талаб қилади. Таниқли америкалик мутухассис Бенжамин Блум тавсия қилган билимнинг қадам-бақадам беш босқичнинг энг юқори босқичиға тўғри келади.

Мазкур босқич баҳолаш деб номланиб, баҳолашнинг уддасидан чиқиш учун олинган билимни ёдға тушуриш, қўйилган масалани тушуна билиш, тахлил қилиш, синтез қилишни билиш, турли вариантларни таққослаш, охир-оқибат хулоса чиқара оладиган даражада билимға эға бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бу услубни ҳамма гуруҳларда қўллаш қийин. Лекин талабаларнинг тайёргарлиғи, фойдаланишини таъминлаш, билим даражасини ошириш асосида барча гуруҳларда қўллаш мумкин бўлади.

Бунинг учун талабаларни ахборот тўплаш, мустақил равишда адабиётларни ўқиб жадвал ва графиклардан фойдаланишини ўрганишларида кузатиш, аниқлаш ва бу кўникмаларни ҳосил қилишлари учун ёрдам беришлари керак. Лекин бу услубни қўллаш асон эмас. Биринчидан, бу услубдан дарс ўтиш кўп вақт талаб қилади, қўйилган бир муаммони тадқиқ қилиш учун ҳамма диққат қаратиб, мавзудағи бошқа масалалар кейинға суриши ёки қолиб кетиши мумкин. Иккинчидан, тадқиқот услуби асосида дарс ўрта гуруҳ талабаларининг барчасини қобилияти жиҳатдан бир-бириға яқин бўлишини талаб қилади.

Бунға айниқса, биринчи курсда эришиш қийин. Учунчидан, тадқиқот услуби ўқитувчилардан чуқур билим тажриба талант талаб қилади. Чунки тадқиқот ўтказиш учун ўқитувчиларнинг ўзи жиддий фикрлаш қобилиятиға эға бўлиши, тадқиқот жараёнида юз берадиган ҳар қандай кутилмаган ҳодиса талабалар томонидан қўйиладиган савол, масала ёки муаммоға ҳозир жавоб бўлиши улардан айнан тадқиқот ўтказилаётган масалалар ечимида

фойдаланиш маҳоратига эга бўлиши керак. Тадқиқот усулининг афзалликлари:

- Талабани объектив ва мустақил фикр юрутувчи мутаххассис сифатида шакллантиришга ёрдам беради;

- Маълумотлар, далилларга диққат билан ёндашишга ўргатади;

- Ҳар қандай билим нисбий эканлигини тушунишга ёрдам беради;

- Мантиқий фикрлашга ўргатади;

- Юзаки қабул қилинган қарорларга ишинчсизлик билан қарашни тарбиялайди;

- юқори даражада фикр юритишга ундайди;

- фақат мавзунинг мазмунини ўзлаштириш эмас, балки мантиқий фикрлашга ўргатади, муаммоларни ечиш учун кўникма ҳосил қилади, ҳозирги давр таълим тараққиётини янги йўналиш – инновацион педагогикани майдонга олиб чиқади. Инновацион (инглизча innavation) янгилик киритиш янгиликдир.

Янгилик киритиш ҳам ички мантиқий ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир. Илмий йўналишда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади, «янгилик» бу – восита; Янги метод, методика технология ва бошқалар.

«Инновация» - бу таълим, маълум босқичлар бўйича ривожланадиган жараён. К.Н.Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиш ва тарбия беришда аввало маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб боровчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеаларнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмунини сифатига қарайди. Инновация жараёни - таркибий тузилмалар ва қонуниятларни қамраб олган тушунчадан иборат ҳозирги кунда таълим жараёнида интер фаол услублар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологиялари ўқув жараёнида қўлланишга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда, бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда



ўқувчилар-талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига; мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларини ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчанлик функциясини бажаради.

Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол методлардан тўлиқ фойдаланади.

Интерфаол методлар – бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, уларни фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади ва бу методларнинг ижодкор шахсинини тарбиялашдаги аҳамияти каттадир.

Талабаларга мусиқа тарбиясини ўргатиш, улар воситасида ёшларни эстетик тарбиялашда қуйидаги таъсирчан воситалардан фойдаланилди:

1. Санъатшунослик ва эстетик тарбия бўйича тарихий-назарий ва амалий билим ҳамда тажрибаларни эстетик тарбия жараёнида қўллаш.

2. Мусиқа тарбиясини тарбиявий имкониятларини очиш, танлаб олиш жараёнида уларнинг эстетик жиҳатларини эътиборга олиш, образларини мусиқий мазмунини таҳлил қилиш, ифода усулларини илғаш, бадий идрок қилиш.

3. Институтнинг жамоатчилик ишларида фаол қатнашиш, турли тадбирларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда (шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги кўриклар, Наврўз байрами, Мустақиллик куни, турли саналарга бағишланган концертлар ва ҳ.к.) мазкур тадбирларнинг мақсади фақат байрам тадбирини ўтказиш эмас, балки ундан восита сифатида фойдаланган

ҳолда талабаларнинг эстетик тарбияланганлик даражасини айнан муסיқа тарбияси орқали оширишга эришиш.

4. Ҳаваскорлик фаолиятлари мазмунини белгилашда талабаларнинг қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиш.

5. Муסיқа тарбиясини янгиларини ўрганиш жараёнида талабалар билан индивидуал ишлашга алоҳида эътибор қаратиш.

6. Машғулотларда эстетик тарбияга ижобий таъсир этувчи муҳит яратиш, ҳар бир тадбирни гўзаллик қонунлари асосида чуқур тайёргарлик билан ўтказиш.

7. Маданий-маърифий тадбирларга талабаларни иложи борича кўпроқ ва фаол қатнашишларига эришиш.

Маълумки, ҳар бир олий ўқув юрти ўқитувчилари олдида қўйилган асосий вазифалардан бири талабаларни ўз соҳаларининг етук мутахассислари қилиб тайёрлашдир. Шунинг учун талабаларнинг асосий вақти тегишли фанлардан берилаётган билимларни эгаллашга сарфланади. Бўш вақтларини тўлдириш биз манба қилиб олган турли халқ ашула ва рақс ансамблларилар зиммасига тушади. Шунинг учун талабаларнинг ўқиш фаолиятини такомиллаштириш, эстетик тарбия бобида ҳам етук, санъат асарларига баҳо бера олиш, кези келганда бошқаларга тушинтира олишлари, маданий-оммавий ишларга лаёқатли бўлишларини тақозо этади. халқ ашула ва рақс ансамбллари фаолиятини ташкил қилиш, уларга қатнашувчиларни маънавий ва эстетик тарбиялашда иш шакллари катта аҳамият касб этади. Улар қанча хилма-хил бўлса у шунча яхши самара беради. Аксинча бўлса у қатнашчиларнинг қизиқишларини сусайтиради, тарбиявий ишларнинг самарадорлик даражаси паст бўлади.

Муסיқа тарбияси воситасида талабаларни эстетик тарбиялаш ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан хилма-хилдир. Бу жараёнда қўшиқ билан бирга чолғучилар ансамбли, раққосалар ҳам иштирок этади. Шунинг учун ҳам бу жараён бадий раҳбардан масъулият билан бирга профессионал маҳорат, кунт ва фидоийликни талаб этади.

## Х У Л О С А

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш мақсадида таълим тизимини ислохот қилишда асосий вазифаларни белгилаб олди. Улардан бири истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга, фикр юритишнинг юксак маданиятига, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётда мустақил йўл топа олиш қобилиятига эга бўлган ёшларнинг янги авлодини шакллантиришдир.

Янги вазиятлар учун қўлланилаётган самарали узлуксиз таълим биз учун ахборот ва ғояларнинг тушунарли бўлиши муаммосини ташкил қилади. Талабалар ахборот ва ғояларни фаоллик билан ўзлаштиргандагина энг юқори натижага яъни уларни ҳар томонлама етук мутахассис шахс бўлиб етишишига эришиш мумкин.

Ёшларни ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишишида, уларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш зарур ҳисобланади. Бунинг учун педагогик жараёнда талабаларни мантиқий фикрлашга имкон берувчи ўқув машғулотларини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ижодкор шахсларнинг шахсий сифатларини ривожлантиришнинг турли стратегиялари қўлланилгандигина ўқиш жараёни муваффақиятлироқ бўлади. Бундай стратегиялар ўқиш жараёнини онглироқ бўлишини таъминлайди.

Талабалар ўз билимларини муайян масалаларини ечишда тадбиқ эта олсаларгина уларда билим ва мантиқий фикрлаш ривожланади.

Талабаларнинг олдин эгаллаган билимларига ва тажрибаларига асосланган ўқиш мустаҳкам бўлади. Буларнинг ҳаммаси талабаларга янги ахборотларни билганлари билан боғлаш имкониятини беради.

Мазкур битирув малакавий иши доирасида қуйидагилар тадқиқ этилди:

- ижодкор шахсларнинг шаклланишида илмий ижод ва мантиқий фикрлаш шакллари мусиқа санъати мисолида назарий таҳлил этилди;

- ижодкор шахсларнинг ривожда илмий ижод ва мантиқий фикрлашнинг амалий жиҳатлари мусиқа мисолида ўрганилди;

– ижодкор шахсларнинг шаклланишида илмий ижод ва мантиқий фикрлаш шакллари анъанавий ва замонавий санъат таълими кесимида ижтимоий-тарихий жиҳатдан ёритилди;

– ижод жараёнини ифода этиш шакллари, методлари ва усулларининг психологик омиллари таҳлил этилди;

– илмий ижодда мантиқий фикрлашни ривожлантиришнинг педагогик усуллари ижодкор шахсларнинг шаклланишида илмий ижод ва мантиқий фикрлаш шакллари мусиқа санъати таълимида қўллаш юзасидан амалий-методик тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилди.

Талабалар ғоялар ва тажрибаларнинг турли-туманлигини тўғри тушунсаларгина мантиқий фикрлаш ва ўқиш яхши натижа беради.

2. Тадқиқотни амалга ошириш давомида шу нарса аниқландики, педагогика олий ўқув юртларида талабаларни эстетик тарбиялашда халқ мусикаси, хусусан мусиқа тарбиясидан фойдаланиш даражаси қониқарли эмас. Бу эса: а) олий ўқув юртларида фаолият юритаётган тўғараги раҳбарлари ва эстетика тарбия билан шуғулланаётган педагог-мураббийларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган дастур ва қўлланмаларга эга эмаслигидан; б) мусиқа тарбиясининг эстетик тарбияда ижобий самара бериши имконига эга бўлган намуналари ва мусиқа тарбияси ҳақида умумий маълумотлар (қўшиқ жанри, муаллифлари, мазмуни, ижро услуби, ижрочилари, қайси маҳаллий ижрочилик услубига тегишлилиги, қандай ҳолатда ижро этилиши, нота ёзуви ва ҳ-з.) берувчи манбаларнинг мавжуд эмаслигидан; в) мусиқа тарбияси бўйича эстетик тарбияни йўлга қўйиш борасида мавжуд тажрибаларни оммалаштирил-маганлигидан; г) машғулотлар таъсирчанлигини ошириш ва ижобий натижаларга эришиш имконини берувчи миллий чолғу асбоблари, техник воситалар, кўргазмали ва нота ёзувларининг йўқлигидан далолат беради.

3. Мусиқа тарбиясида ҳар бир халқнинг миллий руҳияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, тарихи ва ўзига хос педагогикаси ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат вакили ўзи мансуб бўлган халқ мусикасини тез

идрок этади, куйлаш ва ўрганишга эҳтиёж сезади. Афсуски, собиқ тузум даврида миллий мусиқага бир томонлама муносабат натижасида у миллий маънавиятимиздан анчагина узоқлашиб қолган эди. Олий ўқув юртлари, шу жумладан таълим ва тарбиянинг бошқа бўғинларида ҳали халқ мусиқа санъатига эътиборни талаб даражасида эмаслигини шу билан изоҳлаш ўринли бўлади. Шу боис мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг илмий педагогик асосларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди.

4. Тадқиқотни бажариш давомида мусиқа тарбияси воситасида эстетик тарбияни ташкил этиш бўйича амалий фаолият дастури яратилди. Янги-янги иш шакл ва усуллари синовдан ўтказилди.

5. Мусиқа тарбияси орқали эстетик тарбияни ташкил этишнинг ўзига хос технологияси ва методикаси ишлаб чиқилди. Муаммо доирасида амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларига кўра олий ўқув юртлари мусиқа тарбияси орқали эстетик тарбияни йўлга қўйишда қўйидаги методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлиги аниқланди: суҳбат, савол-жавоб, тушунтириш, тинглаш, таҳлил қилиш, учрашувлар, концертлар, кечалар, экскурсия, амалий машғулот, намуна кўрсатиш ва ҳ.з.

Қўйидаги воситалар эса мусиқа тарбияси воситасида эстетик тарбияни сифат ва самарадорлигини таъминлашда ижобий натижалар беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1998. -683 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: 2- том: -Т.: «Ўзбекистон»,1996. -379 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3- том: -Т.: «Ўзбекистон»,1996. -366 б.
4. Каримов И.А.Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. -Т.: «Ўзбекистон», 1996. -349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5 -том. -Т.: «Ўзбекистон», 1997. -382 б.
5. Каримов И.А. Замонавий кадрлар тайрлаш ислохотлар муваффақиятининг асоси. «Маърифат» газетаси, 1998. 25-январ.
6. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7- том. -Т.: «Ўзбекистон», 1999. -413 б.
7. Каримов И.А. Озод ва эркин Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-том. -Т.: «Ўзбекистон», 2000. -525 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.:«Маънавият», 2008. -176 б.
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Таълим тўғрисида ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида. «Маърифат» газетаси, 1998. 1-апрель.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995-йил 20 октябрда чиқарилган «Ўзбекистонда муסיқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармони. «Ўзбекистон овози» газетаси; 1995. 21-октябр.
11. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашрети, 1993. -225 б.
12. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёҳуд ахлоқ. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -160 б.

13. Акбаров И.А. Узбекский музыкальный фольклор. -Т.: Уздавнашр, 1974. -114 с.
14. Алавия М. Ўзбек мусиқа тарбияси. -Т.: Ўздавнашр, 1959. -114 б.
15. Алавия М., Рўзимбаев С. Оқ олма қизил олма. -Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. -115 б.
16. Алавия М., Рўзимбаев С. Совет даври мусиқа тарбияси. -Т.: ғофур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. -96 б.
17. Караматов Ф.М. (Тузувчилар) Узбекские народные песни. -Т.: УзГос Издат, 1956, - 181 с.
18. Алимбоев К. (Тузувчи). 25 Ўзбек халқ кўшиғи. (1951 йилги материаллар. Тошкент, Фарғона, Андижон). -Т.: Ўздавнашр, 1955. -82 б.
19. Алишер Навоий. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. ғаройиб Ус-сиғар. -Т.: Фан, 1988. -613 б.
20. Алишер Навоий. Бешинчи том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. -Т.: Фан, 1990. -541 б.
21. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -352 б.
22. Аҳмедов М. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов. -Т.: Ўқитувчи, 1974. -95 б.
23. Аҳмедов М. Юнус Ражабий. -Т.: ғофур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, -146 б.
24. Аҳмедов М. Дони Зокиров. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. -152 б.
25. Баркамол авлод орзуси. -Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. -245 б.
26. Бадиий асарлар воситасида эстетик тарбия бериш. -Т.: Ўқитувчи, 1978. -49 б.
27. Воҳидов Э. Шоиру, шеър, шуур. -Т.: Ёш гвардия, 1987. -221 б.
28. Гулёр. (Фарғона мусиқа тарбияси). -Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. -68 б.

29. Дулгарова И. Ўзбек мусиқа тарбияси. -Т.: Ўзадабий нашр, 1960. -82 б.
34. Жалилов Т. Қўшиқлар гулдастаси. -Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -126 б.
35. Жумаев М. Маънавийат масканлари.. -Т.: Маънавият, 2001. -16 б.
36. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: Юлдузча, 1989. -153-154 б.
37. Икромов И. Сарви гулру келмади. 1 -китоб. Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -90 б.
38. Икромов И. Давру-давроним гўзал. II-китоб. -Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, - 66 б.
39. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. -Т.: «Шарқ» нашриёт-манбаа концерни бош таҳририяти. -1998. -239 б.
40. Келинойи қўшиқлари. Мусиқа тарбияси ва термалари (ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров). -Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. -239 б.
41. Кевиш Н.М. Эстетика ва санъатшунослик асослари. Т.: Ўқитувчи, 1977. -230 б.
42. Матёкубов О.М. Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш. -Т.: Ўқитувчи, 1983. -64 б.
43. Махтумкули шеърятидан. -Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1976. -108 б.
44. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -192 б.
45. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. -Т.: «Шарқ» НМАК бош таҳририяти, 2001. -159 б.
50. Миллий ғоя-бизнинг ғоя. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика Байналмилалл маданият марказларининг қўшма дастури. Ҳаммуаллифлар. -Т.: Маънавият, 2001. -339 б.



51. Муқимий ва Фурқат ашулалари. 1-китоб. Тўпловчи И.Ақбаров. -Т.: Ўздавнашр, 1958. -339 б.
52. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -80 б.
54. Навоий сўзига мусикалар. Нашрга тайёрловчи И.Ақбаров. -Т.: Ўздавнашр, 1949. -122 б.
55. Насриддинов Б. Тўйчи ҳофиз. Ҳаёти ва ижоди ҳикида. -Т.: Ғ.ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, -126 б.
56. Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. -Т.: Ғ.ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, -126 б.
57. Нурматов Ҳ. Мусиқа ва эстетик маданият. Мусиқа ўқитувчилари учун методик тавсиялар. -Т.: ТДПИ, 1992. -3 б.
58. Остонаси тиллодан. Тўй кўшиқлари. -Т.: Ғ.ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. -94 б.
59. Ражабий Ю. Музика меросимизга бир назар. -Т.: УзССР Давлат Бадиий Адабиёт нашриёти, 1976. -163 б.
60. Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон, 1995. - 246 б.
61. Файзулина С.Х. Ўқувчи ёшларнинг эстетик тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1978. -49 б.
62. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. -Т.: ФАН, 1993. - 56 б.
63. Хондамир. Макорим ул ахлоқ. ЎзФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма. Инв. № 53 40.
64. Чустий. Ҳаётнома. Девон. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. -447 б.
65. Шашмақом. 1-том. Бузрук. Ёзиб олувчи Юнус Ражабий. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт нашриёти, 1966. -231 б.
66. Шашмақом. II-том. Рост. Ёзиб олувчи Юнус Ражабий. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967. -203 б.

67. Шашмақом. III-том. Наво. Ёзиб олувчи Юнус Ражабий. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. -232 б.
68. Шашмақом. IV-том. Дуғоҳ. Ёзиб олувчи Юнус Ражабий. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. -207 б.
69. Шашмақом. V-том. Сегоҳ. Ёзиб олувчи Юнус Ражабий. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - 211 б.
70. Шашмақом. VI-том. Ироқ. Ёзиб олувчи Юнус Ражабий. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1975, -194 б.
71. Эстетик тарбия асослари. Н.А.Кушаев таҳрири остида. -Т.: Ўқитувчи, 1988. -269 б.
72. Ўзбек мусиқа тарбияси (Овоз ва фортепиано учун). I-қисм. -Т.: Ўздавнашр, 1959. -65 б.
73. Қорақалпоқ халқ намалари. (Ўзбек халқ музикаси сериясидан). VIII-том. Тўплаган ҳам нотага олган А.Ҳалимов. -Т.: Ўз.ССР Давлат бадий Адабиёт нашриёти, 1959. -406 б.

**ИЛОВАЛАР****1-ИЛОВА**

Талабаларнинг кўшиқчилик санъатига муносабати, қизиқишлари, билим ва тушунчаларини аниқлашга доир саволнома.

1. Мактабда ўқиб юрганингизда санъатга оид қандай халқ ашула ва рақс ансамбллари катнашгансиз?

2. Мусиқа санъатининг қайси тури сизни кўпроқ қизиқтиради?

3. Халқ куйлари, кўшиқлари тушунчасига таъриф бера оласизми?

4. Мумтоз, мақом ёки фольклор кўшиқларини тинглаш, ўрганиш, куйлашга ўзингизда рағбат сезасизми?

5. Мусиқа тарбиясининг турлари ҳақида нималар биласиз?

6. Эл орасида машҳур халқ куй-кўшиқларидан қайсиларини санаб бера оласиз?

7. Машҳур мусиқа тарбияси ижрочиларидан кимларни биласиз?

8. «Муножот», «Тановор», «Дилхирож» каби куй ва кўшиқларнинг муаллифлари, ижрочилари ҳақида нима дея оласиз?

9. Фольклор кўшиқлари ва республикамиздаги қайси фольклор ансамбллари биласиз?

10. Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Тамарахоним, Раҳима Мазоҳидова каби санъаткорлар ва улар ижро этган кўшиқлар ҳақида нималар биласиз?

Жавобларингиз учун раҳмат!

Талабаларни мусиқа тарбиясига муносабатлари, қизиқиш, билим ва тушунчаларидаги ўзгаришларни аниқлашга доир саволнома.

1. Мусиқа тарбияси ва замонавий эстрада кўшиқчилигининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари ҳақидаги фикрингиз?
2. Мусиқа тарбиясини замонавий эстрада йўлида ижро этилишига муносабатингиз?
3. «Алла» кўшиқлари ҳақида ўз тушунчаларингизни билдирсангиз?
4. Достончилик кўшиқлари ҳақида нима дея оласиз?
5. «Ёр-ёр» кўшиқларининг қандай турларини биласиз ва улар қандай ҳолатларда айтилади?
6. Ўзбек мумтоз ва мақом кўшиқлари ва уларнинг кўшиқчилик санъати бўйича моҳиятини қандай тушунасиз?
7. Лапар, ялла, терма, катта ашула кабиларни ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
8. Ўзингиз яшаб турган жойдаги халқ мусиқа ижодиётига мансуб фольклор куй-кўшиқлари ҳақида биласизми?
9. Ўзбек миллий мусиқаси, хусусан кўшиқчилик санъатидаги маҳаллий услублар ҳақида нималар дея оласиз?
10. Ўзбек миллий чолғуларидан қайсиларини биласиз ва ўрганишга қизиқасизми?

Жавобларингиз учун раҳмат!

Олий ўқув юртларида фаолият юритаётган халқ ашула ва рақс ансамбллари раҳбарлари учун мўлжалланган саволнома.

1. Сиз раҳбарлик қилаётган халқ ашула ва рақс ансамбллари машғулотларида халқ муסיқаси, хусусан муסיқа тарбиясига муносабат қандай?

2. Муסיқа тарбияси, куйларига қатнашчиларининг муносабати сизни қизиқтирадими?

3. Халқ ашула ва рақс ансамбллари иштирокчилари муסיқа санъатининг қайси турига кўпроқ қизиқишади?

4. Талаба-ёшларни миллий муסיқамизга қизиқтириш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

5. Ёшларда миллий муסיқамизга қизиқиш ва муҳаббатни кучайтириш қандай аҳамият касб этади?

6. Турли байрам, мавзули кечалар, кўрик-танловларга тайёргарлик кўриш ва қатнашишда фольклор, мумтоз ва мақом куй-қўшиқларига зарурат туғилганда қандай иш тутасиз?

7. Муסיқа тарбиясининг тарбиявий таъсир имкониятлари нималарда кўринади?

8. Ёшларни енгил-елпи, мазмунан саёз ва аксарият ҳолларда чет эл муסיқалари таъсирига тушиб қолаётганлиги сизни ташвишлантирадими ва бунга муносабатингиз?

9. Халқ муסיқаси замонавий муסיқа учун пойдевор-деган тушунчага қандай қарайсиз?

10. Халқ ашула ва рақс ансамбллари репертуарига кўпроқ халқ куй-қўшиқларини киритиш, улардан эстетик тарбия воситасида фойдаланиш борасида қандай муаммоларни таъкидлаб ўтишни истардингиз?

Жавобларингиз учун раҳмат!